O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI PALATASI
INV.№

Ушбу сонда:

2 ДАЪВО МУДДАТИ — меҳнат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

3 ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

ИНСОН ҚАДРИ

TOMAS GOBBS — УМРБОҚИЙ ҒОЯЛАР СОҲИБИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 8 (315) 2003 йил 25 ФЕВРАЛ сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Ахборот ундан ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги таъминланган ва ҳаққоний бўлиши керак.

Ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш таъқиқланади.

Оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққонийлиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ахборот мулкдори, эгаси ахборот беришни рад этганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

"АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА

Sharh

ҲАҚҚОНИЙ АХБОРОТ КАФОЛАТИ

Тараққий топган ҳар бир жамиятда ахборот олиш, ундан фойдаланиш масалалари қонун йўли билан тартиб солинади. Чунки ҳар бир шахс ўзига тегишли бўлган ахборотни бевосита, ҳеч қандай тўсиқларсиз олишга ҳақли бўлиш билан бир қаторда ундан турли хил ғаразли мақсадларда фойдаланишга йўл қўйилмайди. Истиқлол йилларида мамлакатимизда бу борада муҳим ислоҳотлар амалга оширилганини таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган сессиясида "**Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида**"ги Қонун қабул қилиниши ҳам бу фикримизнинг яққол исботидир.

Мазкур қонуннинг қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этиш, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, шунингдек, ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборатдир.

Шуни айтиш жоизки, қонун қўйидаги маълумотларни ахборот сифатида белгиланишини эътироф этади: манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар. Ушбу ахборотнинг мулкдори эса ўз маблағига ёки бошқа қонуний йўл билан олинган ахборотга эгалик қилувчи, ундан фойдаланувчи ва уни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс ҳисобланади.

Бундан ташқари, қонунда махфий ва оммавий ахборот нима эканлигига ҳам аниқ тушунтириш берилган. Хусусан, фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб қўйиладиган ҳужжатлаштирилган ахборотларга махфий ахборот дейилади. Оммавий ахборотга эса чекланмаган доирадаги шахслар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа хабарлар ва материаллар киради. Шунингдек, қонунда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат, нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари, экологик, метеорологик, демографик, санитария-эпидемиологик, фавқулодда вазиятлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда аҳоли, аҳоли пунктлари, ишлаб чиқариш объектлари ва коммуникацияларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа ахборотлар, қутубхоналар, архивлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган юридик шахсларга тегишли ахборот тизимларининг очиқ фондларидаги мавжуд маълумотлар, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари жамият манфаатларига тааллуқли воқеалар, фактлар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оммавий ахборот воситаларига хабар бериши шарт эканлиги таъкидланган.

Қонунда ахборотнинг эркин, очиқ-ошкора, ундан ҳамма эркин фойдаланиши ва ҳаққонийлик каби принципларни эътироф этилади. Конституциямизга мувофиқ ҳар ким ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эгадир. Фақат ахборот олиш қонунга мувофиқ ҳамда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг аҳлоқий қадриятлари, маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

Энг муҳими, мазкур қонунда ахборотни бузиб талқин этиш ва сохталаштириш таъқиқланиши қайд этилган. Жумладан, оммавий ахборот воситалари ўзлари тарқатаётган ахборотнинг ҳаққоний ва тўғрилиги учун ахборот манбаи ва муаллифи билан биргаликда қонунда белгиланган тартибда жавобгар саналади.

Шу билан бирга қонунда давлат ҳар бир шахснинг ахборотни излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқини ҳимоя қилиши қайд этилган. Жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига қараб ахборот олиш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат-нотижорат ташкилотлари ҳамда мансабдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳар кимга ўзининг ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ахборот билан танишиб чиқиш имкониятини таъминлаб беришга, мақбул ахборот ресурслари яратишга, фойдаланувчиларни фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятларига, уларнинг хавфсизлигига ҳамда жамият манфаатларига тааллуқли бошқа масалалар юзасидан ахборот билан оммавий тарзда таъминлашга мажбурдир.

Яна шуни айтиш керакки, қонунда ҳар кимнинг ахборот олиш учун бевосита ўзи ёки вакиллари орқали ёзма ва оғзаки сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Фақат ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили ҳамда сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилиши лозим. Ўз навбатида сўровлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Ёзма сўровга имкон қадар қисқа муддатда, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим. Оғзаки сўровга эса имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак. Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт. Агар сўралаётган ахборот махфий бўлиб, уни ошкор этиш натижасида шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари, жамият ва давлат манфаатларига зарар етса, бундай вазиятда ахборотни бериш рад этилиши мумкин. Сўралаётган ахборотни беришни рад этилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кунлик муддат ичида юборилади. Фақат рад этиш тўғрисидаги хабарда сўралаётган ахборотни бериш мумкин эмаслиги сабаблари кўрсатилиши керак.

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг ахборотдан эркин фойдаланиши учун зарур шарт-шароити ва кафолатларни яратиш, шахсий ҳаётига дахлдор сирларини сақлаш, ахборот воситасида қонунга хилоф равишда руҳий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади. Бундан ташқари, қонунда жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига кириши белгиланган. Шунинг учун жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, сир, ёзишмалар, телефонда-ги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа мулоқот сирларини бузувчи ахборотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, тарқатиш ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Қонунда оммавий ахборот воситалари ахборот манбаи ёки тахаллусини қўйган муаллифни уларнинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмаслиги белгиланган. Ахборот манбаи ёки муаллиф тахаллуси фақат суд қарори билан ошкор этилиши мумкин.

Қонун жамият ва давлатни миллий ўзликни англашни издан чиқаришга, жамиятни тарихий ва миллий анъаналар ҳамда урф-одатлардан узоқлаштиришга, ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, миллатлараро ва конфессияларо тотувликни бузишга қаратилган ахборотларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга, ҳокимиятни босиб олишга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборотларни, урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга қаратилган терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборотларни тарқатилишидан ҳимоя қилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, жамиятда эркин фикрлаш, эркин ахборотга эга бўлиш бугунги кунда инсоният цивилизациясида муҳим ўрин тутади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Завқиддин АМОНОВ,
ҳуқуқшунос

O'ZBEKISTON ва дунё — кеча, бугун, эртага

☑ *Тошкент Давлат техника университетида Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати, "Ўзтелерадиокомпания", "Ўзбектелфильм" студияси ҳамкорлигида суратга олинган "Ёруғлик" ҳужжатли фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

☑ *Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг йил якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.*

☑ *Японияннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Акио Кавато Жиззахга ташриф буюрди.*

☑ *Бельгиянинг Льеж университетида "Ўзбекистон Буюк ипак йўли вориси" мавзусидаги суратлар ва халқ амалий санъати кўргазмаси очилди.*

☑ *Олий Мажлисда Ўзбекистон қонунчилигида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим моддаларининг амалиётига бағишланган халқаро анжуман бўлди.*

☑ *Шу йилнинг 2-4 март кунлари "Ўзбекистон" спорт мажмуида эркин ва юнон-рум кураши бўйича «Гран-при» туркумига кирувчи "Мустақиллик кубоги" анъанавий халқаро турнири ўтказилади.*

Anjuman

СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ: БУГУН ВА КЕЛАЖАК

Адлия вазирлигида ўтказилган халқаро конференция ана шу мавзуга бағишланди. Уни Адлия вазирининг биринчи ўринбосари Ихтиёр Абдуллаев кириш сўзи билан очди.

— Истиқлолга эришганимиздан сўнг суд ҳокимиятининг мустақиллигини таъминлаш, бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий давлат ва демократик жамиятни шакллантириш борасида беқиёс ишлар амалга оширилди, — деди у. — Суд-ҳуқуқ ислоҳоти мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг ажралмас қисми бўлиб, бу борада ислоҳотлар ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Янги таҳрирдаги **"Судлар тўғрисида"**ги Қонун, **"Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"**ги Қонун ҳамда мамлакатимиз Президентининг **"Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"**ги Фармонининг қабул қилиниши бунга яққол мисол бўла олади.

Юртбошимизнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлисининг 9-сессиясида қилган маърузасида ҳам мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш лозимлиги таъкидланган эди. Президентимизнинг дастурий маърузасида белгиланган устувор йўналишлар, шунингдек, **"Суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш тўғрисида"**ги Давлат дастурининг ижросини таъминлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Умумий юрисдикция судларини иқтисослаштиришнинг қонун билан мустаҳкамланиши, ишларни кўриб чиқишда апелляция тартибининг жорий этилиши судьяларга кўриб чиқилаётган ишларини янада пухтароқ ҳал этиш имкониятини яратади. Шу тарзда фуқароларнинг одил судловга ишончи тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Конференцияда "Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислоҳоти: бугун ва келажак", "Конституциявий ишларни юритиш: муаммолар ва ислоҳотлар", "Судьяларни танлаш, тавсия этиш ва тайинлашда демократик асосларнинг кучайтирилиши суд-ҳуқуқ тизимида ўтказилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишидир", "Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ходимларининг ҳуқуқий онги, тафаккури, жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни қўллашдаги дунёқарашини ўзгартирилиши ислоҳотларни жадаллаштириш гаровидир", "Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида судларнинг моддий-техника таъминоти масалалари" ҳақидаги маърузалар тингланди. Таъкидлаш жоизки, қизғин баҳс-мунозараларга бой бўлган ушбу анжуманда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишга доир кўплаб таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, суд-ҳуқуқ ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, судлар иқтисослашувини давом эттириш, одил судловни амалга оширишда халқ вакиллари иштирок этишининг ҳуқуқий асосларини аниқ белгилаш, суд қарорларини ижро этишни таъминлаш каби долзарб масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суд, Олий хўжалик суди, Ҳарбий суд, Бош прокуратура, Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги вакиллари, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий ташкилотларнинг вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар ва амалиётчилар иштирок этди.

Мансур ЮНУСОВ

Барчамиз оддий бир ҳақиқатни асло унутмаслигимиз лозим: фақат мунтазам изланиш, биринчи навбатда ўзимизга, сўнгра эса бошқаларга нисбатан доимий талабчан бўлишгина бизни ривожланган, илғор мамлакатлар даражасига олиб чиқади.

Ислом КАРИМОВ

To`siq

— Ёғочнинг бўш, одамнинг ишонувчан бўлгани ёмон экан, — дейди Н.Шакаров. — Бўш ёғочни қурт кемирганидек, одамнинг ишонувчан бўлгани бошига ташвиш солар экан.

АЛДОВ

Табиийки, Нарзулла Шакаровнинг "фалсафаси"га дафъатан қўшилгингиз келмайди. Чунки кўнгилчанлик, ишонч ва меҳр-оқибатлилик халқимизга хос фазилат. Аммо шундай деймизу Сирдарё тумани "Малик" ширкат хўжалиги ишчиси Н.Шакаровнинг ташвишларидан воқиф бўлсангиз...

Гап шундаки, деҳқончиликда суяги қотган Н.Шакаров 1999 йилнинг 16-ноябрида ширкат хўжалигининг ўша пайтдаги раҳбари И.Кўшбоқов номига фермер хўжалиги ташкил этиш учун 30 гектар ер сўраб ариза ёзади. Хўжалик раиси аризага имзо чеккач, **"Рўйхатга олиб, умумий мажлисга ҳавола этинг"**, дея уни ер тузувчи муҳандис Ш.Бозорбоевга йўллайди. Табиийки, энди аризанинг тақдири Ш.Бозорбоевнинг қўлига ўтади. У истаса, Н.Шакаровнинг фермер бўлиш орзусини амалга оширади, истамаса йўқ. Бундай қатъий фикрга келишимиз бежиз эмас. Негаки, хўжаликда Ш.Бозорбоевнинг йўлини кесиб ўтадиган валломат йўққа ўхшайди. У амалдаги қонунларни назарписанд қилмайди, Н.Шакаровнинг аризасини хўжаликнинг умумий йиғилишига ҳеч бир сабабсиз киритмайди.

Орадан бир йилдан кўп вақт ўтади. Ширкат хўжалиги бошқаруви раислик курсисига янги раҳбар — Д.Фозилов ўтиради. Фермер бўлиш ниятида юрган Н.Шакаров 2001 йилнинг 29 январида янги раҳбардан нажот сўраб, ҳузурига киради.

— Туман раҳбарлари фермерлик учун ер ажратишга рухсат беришмаяпти, — дейди Д.Фозилов. — Агар розилик беришса, ишонаверинг, албатта, талабингиз қондирилади.

Бу жавобни эшитгач, Н.Шакаровнинг кўнглида ишонч пайдо бўлади. Кўп ўтмай у хўжалик ер майдонидан 309 гектари фермерларга ажратилганини эшитади. Бу хабардан қувонган Н.Шакаров хўжалик идорасига йўл олади. Афсуски, ер ажратилган фермерлар рўйхатида унинг исми-шарифи йўқ эди. Н.Шакаров ер олишига, фермер бўлишига жуда қаттиқ ишонганди. Тўғрироғи, хўжалик бошқарувидагилар хат орқали уни ишонтиришган эди. Мана, ўша хат:

"Сизнинг фермер хўжалиги ташкил этиш учун "Малик" ширкат хўжалигига ёзган аризангизга асосан ҳамда "Малик" ширкат хўжалиги 1 ноябр 2001 йил 30-сонли вакиллар кенгашининг йиғилишга, Ўзбекистон Республикасининг "Ер Кодекси" 6-моддасига асосан, сизни техникангиз ҳамда ишчи кучингизни инобатга олган ҳолда 205, 207 1999 контурлардан ер майдони чекланган миқдорда ажратилади.

Ушбу контурлар даладан ер олиш ёки олмасликни 10 (ўн) кун мобайнида ёзма равишда жавоб беришингизни сўраймиз.

"Малик" ширкат хўжалиги вакиллар кенгаши".

2001 йил 4-ноябр куни хатни олиб, мазмунидан воқиф бўлган Н.Шакаров теҳисига сиғмай қувонади. Унинг қувончи оила аъзоларига ҳам кўчади. Ер олиб мустақил ишлаш, мулкдор бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз?! Н.Шакаров қўлига қоғоз-қалам олиб, 205-контурдан 58 гектар ер сўраб, ариза битади ва уни Ш.Бозорбоевнинг қўлига топширади.

Аммо унинг ёзма мурожаати сувга тош отгандек изсиз кетади. У ер сўраб, хўжалик идорасига бўзчининг мокисидек қайтнайди. Лекин жўяли бир жавоб, аниқ бир иш чиқмайди. Бу орада Сирдарёдан қанча сувлар оқиб ўтади, аммо унинг орзуси орзулигича қолиб кетади.

Н.Шакаровнинг 2002 йил 16-март куни вилоят адлия бошқармасига ёзган аризаси мутахассис томонидан ўрганилганда, мурожаат асосли эканлиги аниқланади. Адлия бошқармаси Н.Шакаровнинг манфаатини кўзлаб ширкат хўжалиги раҳбари Д.Фозилов ва ер тузувчи муҳандис Ш.Бозорбоевга нисбатан "Малик" ширкат хўжалигининг 205-контуридаги 58 гектар ерни бериш юзасидан мажбурий тартибда қарор чиқариш ва етказилган моддий, маънавий зарарларни ундириш ҳақида Сирдарё туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза киритади.

Масаланинг судга етганидан хўжалик раҳбарлари ташвишга тушиб қолишади. Шунинг учун улар суд ҳал қилув қарори билан Н.Шакаровга ер ажратиш, унга етказилган 120 минг сўм моддий, 80 минг сўм маънавий зарарни тўлаб, эл олдида узунқулоқ гаплардан уятга қолишдан кўра, муросага ўтишни афзал билишади. Шу мақсадда Н.Шакаровни алдаб-авраб келишув битими тузишга ва бу ҳужжатни фуқаролик судига тақдим этишга кўндиришади.

"Иш бўйича манфаатдор шахс — Шакаров Нарзулла ва иш бўйича жавобгар — "Малик" ширкат хўжалиги ва хўжалик раҳбари вакили Кенгашев Абдуғафор келишиб битими туздик. Ушбу келишув битими шу ҳақдаким, унга кўра:

1. Жавобгар — "Малик" ширкат хўжалиги манфаатдор шахс — Шакаров Нарзуллага фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 2003 йил январ ойининг охиригача "Малик" ширкат хўжалиги ҳудудида келишилган контурдан талаб қилинган ер майдонини ажратиб беради.

2. Манфаатдор шахс Шакаров Н. 2-309 сонли фуқаролик иши бўйича ўз даъвосидан воз кечади.

3. Келишув битимига кўра келишув шартлари белгиланган муддатда бажарилмаса, суд орқали мажбурий ижрога қаратилади.

Ушбу келишув битими уч нусхада тузилди ва судга тасдиқлаш учун тақдим қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

"ИНСОН ва ҚОНУН"га ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

Газетанинг ўтган йил 19-ноябр кунидаги сонида чоп этилган "Ким кимни танлайди?" сарлавҳали мақола Марказий банкнинг Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси "Асака" банкининг Термиз бўлими билан биргаликда ўрганиб чиқилди.

Шеробод тумани, "Наврўз" ширкат хўжалигининг Гуржак қишлоғида яшовчи Ўрозали Менглиев Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига ва «Асака» банки бошқарувига сўров хати ёзган ва ушбу хатга тадбиркор хоҳлаган банк бўлимидан ҳисоб рақамини очиши мумкинлиги, шу жумладан «Асака» банкидан ҳам, деган маънода жавоб хати йўлланган.

Бироқ Ўрозали Менглиев «Асака» банкининг Термиз бўлимига ҳисоб рақам очиш учун ёзма равишда ариза билан мурожаат қилмаган. Агарда тадбиркор Ўрозали Менглиев ҳисоб рақам очиш учун тегишли ҳужжатлар билан ёзма равишда мурожаат этса, банк бўлими икки кун ичида тадбиркорга ҳисоб рақам очиб беради.

Ўрол ҲИММАТОВ,
Марказий банк Сурхондарё вилоят Бош бошқармаси бошлиғи

Adliya tizimi

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлими томонидан Элликқалъа тумани ҳокимлиги, банклар ва назорат қилувчи органларнинг тадбиркорлик субъектларида олиб борган текширувлар фаолияти ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида туман меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи И.Хўжаниёзов ва бош ҳисобчиси У.Шариповлар томонидан "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 5 ва 17-моддалари талаблари бузилиб, "Сахий", "Дармон", "Элтемирйўл", "Орзу" ва "Жавҳар" микрофирма ҳамда кичик корхоналардан ҳисоботлар талаб қилганлиги аниқланди.

Шунингдек, текширишлар давомида туман Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Х.Кўшназаров ва испекция назоратчиси А.Абдаловлар Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 22 августдаги 347-сонли қарори талабларига зид равишда кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан қўшимча ҳужжатлар ва маълумотларни талаб қилганлиги маълум бўлди.

Адлия вазирлиги ҳар иккала ҳолат юзасидан жиноят ишлари бўйича Элликқалъа туман судига таклифлар киритди. Иш суд томонидан кўриб чиқилиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилди.

АЛДОВ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Иш бўйича манфаатдор шахс: имзо Шакаров Н.

Иш бўйича жавобгар вакили: имзо Кенгашев А.".

Фуқаролик ишлари суди судьяси Ж.Худойбердиев мазкур ишни кўраётиб, келишув битимини суд ажрими билан тасдиқлайди. Аммо суднинг ажрим нусхасини ўқиб кўргач, Н.Шакаровнинг ҳафсаласи пир бўлади. У фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судига апелляция тартибида шикоят ёзади. Негаки, туманлараро суд ажримида ер контури ҳам, гектари ҳам кўрсатилмасдан "келишилган контурдан талаб қилинган ер майдонини ажратиб беради" дейилганди. Апелляция судлов ҳайъати 2002 йилнинг 3 сентябрида мазкур ишни кўриб чиқиб, ажрим чиқаради. Қуйида ажрим қисмини айнан келтирамиз:

"Сирдарё туманлараро судининг 2002 йил 30 май кунида чиқарган ажрими қисман ўзгартирилсин. Жавобгар Сирдарё тумани "Малик" ширкат хўжалиги мансабдор шахс Шакаров Нарзуллага фермер хўжалиги ташкил қилиш учун 2003 йил январ ойининг охиригача "Малик" ширкат хўжалиги ҳудудида келишилган контурда талаб қилинган 58 га ер майдонини ажратиб беради. Ажримни қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин. Мансабдор шахс Н.Шакаровнинг апеллаяция шикояти қисман қаноатлантирилсин".

Суд ажримида қисман қаноатлантирилсин дейилсада, Н.Шакаров бундан мутлақо қаноатланган эмас. Сабаби кейинги ажримда ер майдонининг ҳажми кўрсатилгану нечанчи контурдан берилиши ёзилмаган. Қаҳрамонимизни шуниси ташвишга солмоқда.

Тадбиркорликни ният қилган Н.Шакаровга ваъда қилинган январ ойи ҳам тугади. Ҳадемай феврал ойи ҳам поёнига етади. Аммо алдов туфайли бир инсоннинг сарсончилиги тугамаяпти. Конституция ва амалдаги қонунларда барча фуқаролар миллати, жинси, эътиқодидан қатъи назар тенг ҳуқуққа эга эканлиги кафолатланган. Фуқаро Нарзулла Шакаров ҳам бундан мустасно эмас. Бироқ айрим вазифага масъул шахсларни ўзларини кўриб кўрмасликка олишдек бедаъво иллатдан холос бўлолмаётганликлари оқибатида Н.Шакаровнинг мурожаати йиллар давомида ечим топмаяпти.

Бобомурод ИСОҚУЛОВ,
ҳуқуқшунос,
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ...

Shartnoma qonunchiligi

Лолахон Акбарова Учқўрғон туманидаги Янгиобод қишлоғида яшайди. У ўғли Аброржон билан маслаҳатни бир ерга қўйиб, "Янгиобод" ширкат хўжалигидан 3 гектар ер майдони олиб, буғдой экишди. Хўжаликнинг ички шартномасида 3 гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача ҳосилдорлик 52,7 центнердан белгиланиб, ялпи хирмон 15,800 килограммга тўғри келади. Аброржон Акбаров енг шимариб, астойдил ишга киришди. Буғдой парваришига зўр берди. Натижада ҳосилдорлик гектар бошига 52,7 центнердан эмас, балки 64,5 центнердан ташкил этди. Режадаги 15,800 тонна ўрнига 19,365 килограмм ҳосил олинди.

Икки ўртада тузилган шартнома шартига кўра, режадан ортиқ, яъни 3,565 килограмм буғдой оилавий пудратчига тегишли эди. Бироқ хўжалик бош ҳисобчиси Алижон Жонбўтаевнинг изоҳ беришича, кейинчалик вазият ўзгарган. "Буғдой ўрими даврида, — дейди бош ҳисобчи, — даланинг ўзида ҳар гектар ердан 55 центнердан ҳосил олган оилавий пудратчиларга буғдой шартномадаги режага қараб эмас, балки хўжаликнинг 2002 йил 5 июндаги 3-сонли баённомаси асосида тарқатилган. Шунинг натижасида 39,580 килограмм буғдой хўжаликка олиб қолинган".

Дарвоқе, ўтган йил "Янгиобод" ширкат хўжалигида режадан ортиқча буғдой етиштирган оилавий пудратчилар сони 49 нафарни ташкил этади. Улар жами 104,750 килограмм режадан ортиқ буғдой етиштиришган. Пудратчиларга натура ҳолда 65,170 килограмм буғдой берилган. 39,580 килограмм ғаллани бош ҳисобчи таъкидлаганидек, хўжалик олиб қўйган.

Бундан ташқари, "Янгиобод" ширкат хўжалигида ички шартномаларни тузиш ва бошқа иш юритиш ҳужжатларида ҳам бир қатор камчиликлар борлиги аниқланди. Хусусан, хўжаликнинг 129 нафар оилавий пудратчилари билан буғдой етиштириш юзасидан тузилган шартномаларда шартнома сони ва санаси қўйилмаган. Қолаверса, шартномалар туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида мониторингдан ўтказилиб, ҳуқуқий хулоса берилмаган. Бошқача айтганда, шартномалар шартномавий муносабатларни тартибга солувчи қонун меъёрларига мутлақо жавоб бермайди. Шартномалар оилавий пудратчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зид ҳолатда тузилган.

Яна бир оилавий пудратчи Солижон Қамбаров "Яшиқобод" ширкат хўжалиги билан 36-сонли шартномага имзо чеккан эди. Шартномага асосан Солижон Қамбаров 5,5 гектар ернинг ҳар гектаридан 53,6 центнердан буғдой етиштириш мажбуриятини олади. Ялпи хирмон эса 29,5 тоннани ташкил этади. Солижон Қамбаров шерик сифатида Илҳом Эргашевни ёнига олади. Унга ҳам 5 гектар ердаги буғдойни пудратга олиб беради. Солижон Қамбаров жами 10,5 гектар ердаги буғдойга астойдил қарайди. Натижада хўжаликка 61,745 килограмм буғдой топшириб, режадан 5,445 килограмм ортиқ ғалла етиштирилади. Бироқ "Яшиқобод" ширкат хўжалигининг мутасаддилари "Янгиобод" ширкат хўжалигидаги ҳамкасбларининг йўлини танлашди. Улар оила пудратчиларига 2200 килограмм буғдойни натура ҳолда беришади. Қолган 3,245 килограмм буғдойни хўжалик омборига жойлаб қўйишади. Режадан ортиқ ҳосил етиштирган Илҳом Эргашевни эса "унутиб" қўйишади.

Энг ачинарлиси, "Яшиқобод" ширкат хўжалиги бошқарув раиси Х.Ражабов, бош ҳисобчиси А.Камолов, бош иқтисодчиси К.Бозоровлар ҳеч иккиланмай оилавий пудратчиларга берилмаган 16,9 тонна буғдойни "берилди" деб сохта тўлов ва юк хати тузишади. Шундан сўнг оилавий пудратчилар Мўмин Узоқов, Носир Мамадалиев, Меҳмон Мирзаев, Равшан Қирғизбоев, Шерали Отамирзаев, Дилмурод Мирзақосимов, Раҳмон Тошхўжаев, Фазлиддин Раҳмонов ва Ўткир Шариповларга натура ҳолда олишлари керак бўлган буғдой ўрнига мош экиб олиши учун ер майдони беришади.

Кўриниб турибдики, мазкур икки хўжаликда деҳқон ва оилавий пудратчиларга, уларнинг заҳматли меҳнатларига эътибор ғоят ачинарли.

Албатта, ҳар қандай ҳолатнинг меъёри ва якуни бор. Яқинда Наманган вилоят Адлия бошқармаси баён этилган хато ва камчиликларни бартараф этиш учун Учқўрғон туман ҳокими номига тақдимнома киритди. Умид қиламизки, ҳокимлик бу масалага қонуний баҳо беради ва оилавий пудратчилар ўз улушларини, албатта, олишади.

Ҳакимжон ХАЛИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Diqqat, yangi rukn: Mushtariydan maktublar

Таҳририятимизга ҳар куни фуқаролардан кўплаб мактублар келади. Уларнинг мазмуни турлича. Ана шу мактубларни эътибордан четда қолдирмаслик мақсадида "Муштарийдан мактублар" деган янги рукн ташкил этишга қарор қилдик. Бугундан бошлаб ушбу рукн остида таҳририятга мурожаат қилаётган газетхонларимизнинг талаб ва таклифлари, шикоят-аризалари ҳамда газета саҳифаларида эълон қилинган ёки текшириб чора кўриш учун жойларга юборилган мурожаатларнинг натижаларини чоп этиб борамиз.

"МАҲАЛЛА МУТАХАССИСЛАРИ ТАЙЁРЛАНСА..."

Мамлакатимиз раҳбари томонидан жорий йилнинг "Обод маҳалла йили" деб белгилаб берилгани айни муддао бўлди. Чунки шарқона ахлоқ- одоб, таълим-тарбия, каттага ҳурмат, кичикка иззат каби қадимий анъаналаримиз айнан маҳаллада шаклланади. Эътибор берган бўлсангиз, кўп қаватли уйларда узоқ вақт ёнма-ён яшаб, бир-бирини танимайдиган, таниса ҳам саломлашмайдиган қўшнилар бор. Маҳаллада эса бунинг бутунлай акси...

Шу ўринда, таъкидлаб ўтиш керакки, бугун мамлакатимизда маҳалла ободончилиги йўлида олиб борилаётган ишлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ. Менинг ана шу ишларни янада равнақ топтиришга оид бир таклифим бор эди. Олий ўқув юртларида ёки касб-ҳунар коллежларида маҳаллаларда фаолият юритувчи мутахассислар тайёрланса яхши бўлар эди.

Маҳмуд ХАЛИМОВ,
иқтисодчи, Навоий шаҳри

ГАЗЕТА ЁРДАМИ БИЛАН

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси томонидан Шўрчи туманида фаолият юритиб келаётган "Голиб" хусусий фирмаси бошлиғи Анвар Бўроновнинг бирлашган таҳририятга ёзган аризаси тегишли ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, "Голиб" хусусий фирмаси томонидан ўтган йил 2 июль куни тузилган 4/01 сонли шартнома ҳамда 2002 йилнинг 5 сентяридаги 4-сонли далолатномага асосан туман Халқ таълими бўлимининг маъмурий биноларини таъмирлаш учун 2.993.824 сўмлик иш бажарилган. Лекин тўловлар ўз вақтида амалга оширилмаган.

Вилоят адлия бошқармасининг аралашуви билан 2002 йилнинг 31 декабридаги 177-сонли тўлов топшириқномаси билан "Голиб" хусусий фирмасига туман Халқ таълими бўлимидан қарздорлик маблағи тўлиқ ундириб берилди.

Ч. АЛЛАЁРОВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимлиги Адлия бошқармасининг бошлиғи

"ЎҒЛИМНИНГ АЙБИ НИМА?"

Ўтган йилнинг 5 сентябр куни қўшнимиз Қурбон Хонимов ва унинг ўғли ўғлим Панжи Ҳолиқовни калтаклашиб, унга жиддий тан жароҳати етказишган. Шундан сўнг ўғлим икки марта шифохонада даволаниб чиқди. Ҳозирда 3-гуруҳ ногирони бўлиб қолган. Шунга қарамасдан айбдорларга ҳеч қандай жазо берилмади. Деҳқонобод туман ИИБсига қилаётган мурожаатларим беиз кетмоқда. Илтимос, адолат қарор топишида ёрдам беринглар!..

Норпўлат ХОЛИҚОВ,
Деҳқонобод тумани, Чучуқдуқ қишлоғи

"МЕҲНАТИМГА КУЙМАДИМ!"

Таҳририятга иккинчи марта мактуб йўллаяпман. Биринчи шикоят-аризам газетанинг шу йилги 14 январь сонида "Меҳнатимга куяманми?" сарлавҳаси остида чоп этилган эди. Мактубимни беэътибор қолдирмаган таҳририят аъзоларига ўз миннатдорчилигимни билдираман. Чунки шикоят хатим газетада босилиб чиққач, Андижон вилоят адлия бошқармаси бу масалани ўрганиб чиқиб, Тошкент шаҳрида якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаро Б. Олтиевдан 317.520 минг сўмлик маблағимни ундириб беришди.

Ўғилхон СУЛАЙМОНОВА,
Андижон тумани, А. Исмоилов номидаги ширкат хўжалиги

"СУДЛАРДАН МИННАТДОРМАН!"

"Ишинг судга тушмасин, агар тушса, ё заринг, ё зўринг бўлсин", деган гапларни кўп эшитганман. Очиғи, ўзимнинг ҳам ишим судга тушганга қадар бундай гапларга ишониб юрардим. Аслида бундай эмас экан. Шахсан мен ўз тажрибамдан келиб чиқиб, мамлакатимизда суд ҳокимияти ўз фаолиятини қонун доирасида ва адолат тамойилларига суянган ҳолда олиб олиб бораётганига ишонч ҳосил қилдим.

Мен Тошкент шаҳар гаражларга техник хизмат кўрсатиш корхонасида хизмат қиламан. Ана шу корхона мутасаддилари аризасига кўра, 2002 йилнинг 15 мартида Ҳамза туман ИИБ профилактика нозири Пармонов томонидан маъмурий ҳуқуқбузарлик акти тузилиб, туман жиноий ишлар бўйича судига кўриб чиқиш учун жўнатилган эди. Суд ҳам мени ҳуқуқбузарликда айблаб 8000 сўм жарима солди.

Мен суд ҳукмидан норози бўлиб жиноий ишлар бўйича Тошкент шаҳар судига апеллеяция шикояти ёздим. Ушбу апеллеяция шикоятим асосида жиноий ишлар бўйича Ҳамза туман суди масалани қайта кўриб чиқиб, менинг ҳаракатимда ҳеч қандай жиноят аломати йўқлиги эътироф этди ҳамда мен тўлаган жарима тўлиғича ўзимга қайтарилиши ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди.

Шундай қилиб, адолат ўз ўрнида қарор топди.

Шунинг учун барча адолатли судьяларга газета орқали ўз миннатдорчилигимни етказмоқчиман.

Ж. ДАВЛАТМУРОДОВ,
Тошкент шаҳри

Adliya tizimi

ХОРАЗМ

Ўтган йил мобайнида вилоят адлия бошқармаси томонидан шартномавий муносабатларга беписандлик билан қараган мутасаддиларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан жойларга 22 та тақдимнома юборилди. Уларнинг муҳокамаси асосида 2 нафар мансаб эгаси вазифасидан озод қилинди. 15 киши интизомий, 11 киши маъмурий жавобгарликка тортилди. Бўлим ходимлари ташаббуси билан судларга жами қиймати 234 миллион сўм баробарида бўлган 228 та даъво аризалари йўлланди. Уларнинг 116 таси юзасидан чиқарилган суд қарорларига кўра оддий ижарачи, пудратчилар, якка тадбиркорларга 160 миллион сўмлик моддий ва маънавий зиён қиймати ундириб бериладиган бўлди. Қолган аризалар ва даъволар қийматининг муҳокамаси давом этаяпти.

Гўдак қувончи

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Dakki

Бугунги кунда дунёда 50 мингдан зиёд касб-ҳунар мавжуд. Шуларнинг ичида шифокорлик касбининг ўрни бўлакча. Негаки, шифокор инсон саломатлиги учунгина эмас, балки жамият соғломлиги учун ҳам жавобгар шахс саналади.

Ҳар бир касбда бўлганидек, шифокорликнинг ҳам ўзига хос нозик томонлари мавжуд. Тиббиётнинг бошқа соҳаларидан фарқли ўлароқ, санитария-эпидемиология шифокорлари зиммасига жойларда тозаликни сақлаш, юқумли касалликларнинг пайдо бўлиш сабаблари, тарқалиш йўллари ва уларга қарши кураш чораларини ўрганишдек, ўта оғир ва масъулиятли вазифа юкланган.

Афсуски, санитария-эпидемиология соҳаси ходимларининг хизмат мавқеи кенглиги уларни баъзида инсоф доирасидан бир қадар чиқазиб қўймоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, улар орасида замон талабларини мукаммал англаб етмаётган ва вазиятни ўз қаричлари билан ўлчаб, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳуқуқини нотўғри тушуниб келаётган ходимлар ҳам учраб қолмоқдаки, бу ҳол билан асло келишиб бўлмайди. Ўрганишлар жараёнида Нукус шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази томонидан "Раҳим" кичик корхонасида олиб борилган текширув ноқонуний асосга эгалиги ва корхона иш фаолияти қонунга зид равишда тўхтатиб қўйилганлиги маълум бўлди. Айниқса, давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокорининг бу корхона фармацевти Н.Абдурахмонова ва "Берик" хусусий корхонасига қарашли дорихона бўлими фармацевти У.Жақсумуротовларни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 53-моддасига кўра, маъмурий жавобгарликка тортганлиги ҳаммасидан ошиб тушди. Ушбу ноқонуний ҳолатлар бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Нукус шаҳар давлат санитария-эпидемиология назорат маркази раҳбар ходимларини маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақида таклифлар киритилди. Мазкур таклифларга биноан, жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди марказнинг уч нафар ходимига МЖТК талаблари асосида жарима белгилади, бош шифокорнинг икки нафар доришунос ходимларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарорини бекор қилди. Нукус туманлараро фуқаролик ишлари суди қарори билан айбдор шахслар ҳисобидан "Раҳим" кичик корхонаси аъзолари фойдасига тегишли миқдорда маънавий зарар ундириб берилди.

Айни шундай ҳолат Нукус туман давлат санитария-эпидемиология назорати марказида ҳам рўй берди. Марказ бош шифокори Т.Пирназаров кўзини чирт юмди-да, бирваракайига ўн нафар тадбиркорни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорга имзо чекиб юборди. Ўйламай қилинган иш жамоа олдига мулзамлик олиб келди. Жиноят ишлари бўйича Нукус туман суди унинг бу қарорини ноқонуний деб топди.

Ходимларни маъмурий жавобгарликка тортиш борасида қонунга хилоф тарзда чиқарилган қарорлар Тўрткўл ва Тахтакўпир туманлари, Тахиатош шаҳри давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари бош шифокорлари юзларини ҳам шувит қилиб қўйди.

"Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасида санитария-эпидемиология соҳаси билан боғлиқ режадан ташқари текширувлар фақат *"санитария-эпидемиология вазияти мураккаблашганда, шунингдек, кўшни давлатлардан юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши эҳтимоли вужудга келганда"* ўтказилиши мумкинлиги таъкидланган. Мазкур қонуннинг 17-моддасида назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш чоғида ўз ваколатлари доирасида иш юритишлари, *"хўжалик юритувчи субъектлар ишлашига халал бермасликлари"* лозимлиги уқтирилган. Қонун кўрсатмаларига амал қилинмаган ҳолларда эса, Президентимизнинг 1996 йил 8 августдаги **"Текширишларни тартибга солиш ва назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида"**ги фармонида кўзда тутилганидек, "жойлардаги назорат қилувчи органларнинг раҳбарлари белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар".

Ҳар қандай соҳа, ҳар қандай лавозим эгаларига ушбу аччиқ ҳақиқатни четлаб ўтиш ҳуқуқи берилмаган. Зеро, қонун талаби барча учун ўзгармасдир.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ДАЪВО МУДДАТИ

меҳнат фаолиятида муҳим аҳамиятга эга

Huquqiy savodxonlik sari

Ҳозирги бозор муносабатлари даврида судлар олдида турган асосий вазифалардан бири янги меҳнат қонунчилигини ҳаётга тўғри татбиқ этиш, меҳнат низоларини сифатли ва ўз вақтида кўриш, меҳнат муносабатлари доирасида инсон ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминлашдан иборат. Қонунчилик ҳар бир шахсга қонунда белгиланган тартибда ўз муддатида судга мурожаат этиш мажбуриятини ҳам юклайди. Жумладан, иш берувчилар томонидан меҳнат шартномаси (контракт-)ни бекор қилишдан келиб чиқадиган низоли ишлар бўйича даъвогарлар ишдан бўшатилганлиги тўғрисидаги буйруқ нусхасини олган кунларидан бошлаб бир ойлик муддат ичида судга даъво тақдим этишлари лозим бўлади. (МКнинг 270-моддаси). Бу муддат эса ишдан бўшатиш тўғрисидаги буйруқ нусхаси ходимга берилган куннинг эртасидан бошлаб ҳисобланади. Агар ходим мазкур буйруқ нусхасини олишдан бош тортиб, тилхатга имзо чекмаса, у ҳолда бу тўғрисида далолатнома тузилган кундан эътиборан муддатнинг ўтиши бошланади.

Меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоли ишлар юзасидан, шунингдек, ўз меҳнат вазифаларини бажараётган ходимнинг соғлиғига шикаст етказиш оқибатидаги зарарни ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича даъво муддатларининг жорий этилмаслиги ходимлар меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини кенгайтиради. Даъво муддати шундай институтки, уни қўлламаслик ҳуқуқий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиришга олиб келади.

Иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги низоли ишлар юзасидан даъво муддати жорий этилишининг асосли ва мақсадга мувофиқлиги қуйидаги икки ҳолатда ўз аксини топади. Биринчидан, меҳнат шартномасини бекор қилишдан келиб чиқадиган ишлар меҳнатга оид низоли ишлар орасида кўпчиликни ташкил этади. Иккинчидан, мазкур низолар ишдан бўшатилган ходимлар ўрнига ишга олинган бошқа ходимлар манфаатларига таъсир қилади.

Шу ўринда суд амалиётида даъво муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда ходимларнинг даъво талаблари рад этилаётганини айтиб ўтиш жоиз.

Судлар шуни эътибордан қочирмасликлари лозимки, Меҳнат Кодексининг 270-моддасида белгиланган судга мурожаат этиш муддатларининг ўтказиб юборилиши даъво талабларининг қаноатлантирилишини рад этиш учун мустақил асос бўлиб хизмат қилади. Шу ўринда меҳнат шартномасининг бекор қилиниши ноқонуний бўлишидан қатъий назар, агар судга даъво қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилса, суд даъвогарнинг даъво талабларини рад қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқаришга ҳақли.

Судга мурожаат қилиш муддатининг ўтган-ўтмаганлигини аниқлаш эса судьянинг зиммасига юклатилган бўлиб, судлар иш берувчи бу тўғрида баёнот бермаган, деган сабаб билан ходимнинг ишга тикланишини асосли деб топиши қонунга зиддир. Агар суд ишдаги мавжуд ҳужжатларни ҳар томонлама текшириб, судга мурожаат қилиш муддати узрсиз сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини аниқласа, шунингдек, даъвогар томонидан даъво муддатининг узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилганлигини тасдиқлайдиган бирон-бир далил тақдим қилинмаса, даъво талаблари қаноатлантирилмайди.

Фарруҳ БОТИРОВ

Adliya tizimi

СИРДАРЁ

Вилоят адлия бошқармасининг ўрта ва кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш бўлимига ўтган йил мобайнида 177 та ёзма ариза-шикоят келиб тушди. Уларнинг 83 таси қаноатлантирилади. 64 таси бўйича ҳуқуқий тушунча берилди. 29 та ариза тегишлилиги бўйича бошқа идораларга юборилди. 1 та ариза асоссизлиги сабаб рад этилди.

* * *

Йил давомида бошқарманинг "Ишонч телефони" орқали тадбиркорлик субъектларидан 39 та мурожаат қабул қилинган. Мурожаатларнинг 21 таси адлия бошқармаси ходимларининг аралашуви билан қаноатлантирилган. 18 та аризачига мурожаати юзасидан ҳуқуқий тушунтириш берилган.

ТАРОЗИСИЗ БОЗОРЛАР

Ajab savdolar

"Отанг бозор, онанг бозор", "тарози — худо рози" деган ибораларда бир олам маъно мужассам. Чунки тарози азал-азалдан адолат ва инсоф тимсоли саналади. Бундан англашиладики, бозор фаолиятини тарози палласи тартибга солиб туради. Шундай экан, бозорларда сотувчини тарози масаласи қандай ҳал этилган? Бу саволга Сирдарё вилояти деҳқон бозорлари мисолида жавоб изладик.

Сирдарё вилояти деҳқон бозорларини айлансангиз, тошторози камлигини дарҳол сезасиз. Маълумотга қараганда, вилоят бозорларидаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиладиган шаҳобчаларнинг атиги 23,3 фоизи тарози билан таъминланган. Мисол учун айтсак, Гулистон шаҳридаги Марказий деҳқон бозорида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилинадиган 1075 та сотувчи ўрни бор. Тош-тарози эса 126 дона, яъни ўринлар 11,7 фоиз тарози билан таъминланган. Вилоятда иккинчи йирик шаҳар ҳисобланган Янгиердаги деҳқон бозорида сотувчи ўрни 152 та бўлса-да, бор-йўғи 80 та тарози мавжуд, холос. Устига-устак бозорлардаги мавжуд тарозиларнинг бари эски, 25-30 йил олдин тайёрланган. Демак, бозорларни замонавий ва аниқ ўлчамдаги тарозилар билан таъминлаш ҳаётий зарурат.

Тарозининг зарурлиги боиси шуки, вилоят туманларидаги ахвол бундан-да ёмон. Пахтаобод қўрғонида бозор 10,7 фоиз, Сардоба қўрғонидаги бозор 14,2 фоиз, Кўнчи бозори 13 фоиз, Боёвут бозори 26,3 фоиз, Ширин шаҳар деҳқон бозори 19,4 фоиз тарози билан таъминланган. Ховос туманидаги "Фарҳод-5" деҳқон бозорининг атиги 15 та сотувчи ўрнига 3 та тарози мавжуд. Сайхунобод тумани бозорида 96 та сотувчи ўрни бор, тарози эса бир дона ҳам йўқ.

Мазкур бозорларда келаётган деҳқонлар ва тадбиркорларнинг аксарияти фақат рўзғор ишлари учун мўжалланган қўл тарозилардан фойдаланишга мажбур бўлишмоқда. Анчагина тош-тарозилар яроқсиз ҳолга келиб қолган — турган гапки, давлат стандарти назоратидан ўтмаган. Бу эса ҳар хил ҳолат ва гап-сўзларга сабаб бўлмоқда. Кимдир сотиб олган маҳсулотини назорат тарозисига қўйиб ўлчаб кўради-да, "қаранг, тўрт кило деганди, уч кило-ю икки юз грамм чиқди", деб ортига қайтиб югуради. Бошқаси яна бир гап топади.

Очиғини айтганда, бозорда тошторози етишмагандан кейин ҳаллолик бўлишига ҳеч ким кафолат беролмайди. Ахир, сотувчи ҳам атайлаб бузуқ тарози кўтариб келмас, балки у уйдаги буюми стандартга тўғри келмаслигини билмаслиги ҳам мумкин. Ҳа, бировни ноҳақликда, ғирромликда айблаш осон. Лекин шунга шароит яратиб қўяётган ўзимиз эмасми?

Тўғри, вилоятда сўнгги икки-уч ой ичида барча соҳаларда бўлгани каби бозорлар фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бозордаги растадан ташқари жойларда, кўпинча ерга қоп, тахта қўйиб савдо қилувчилар тартибга келтирилди. Аммо кунига сотувчи 150-200 сўмдан ҳақ тўлаб оладиган тош-тарози етишмаяпти. Сиртдан қараганда, булар арзимас нарсалардек туюлади. Аслида эса бутун ноҳақлик ва норозилик шунинг ортидан келиб чиқаяпти.

Хулоса шуки, мутасаддилар бозорлар маъмуриятлари фақат сотишга жой топиб бериш ва янги растлар қуриш билан шуғулланмасдан, бозорни давлат стандарти кўригидан ўтган янги тош-тарозилар билан таъминлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари зарур. Ана шунда бозорларда адолат таъминланади десак, хато бўлмайди.

Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

Ижтимоий қадриятлар тизимида инсоннинг ҳаёти ва соғлиғи, унинг эркинлиги, номуси ва шаъни муҳим ўрин эгаллайди. Ҳар бир маърифий жамият ўз фуқароларининг қонуний манфаатлари, ҳаёти, шахснинг шаъни ва дахлсизлигини қатъий ҳимоя қилади, уларнинг ҳаётига қилинган хавфли тажовузларни кескин қоралайди. Аёлларнинг номуси ва шаъни, айниқса, эъзозланади, негаки аёлларни ҳимоя қилиш даражаси жамиятнинг маданий кўрсаткичи ҳисобланади.

ТАЖОВУЗ

аёлга нисбатан содир этилган бу жиноятга қандай жазо қўлланилади?

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда жиноий ишлар юзасидан қонунчилик ҳужжатларига қаралса, балоғатга етмаганларнинг номусига тажовуз учун турли даражадаги жавобгарлик чоралари белгиланганлигини кўриш мумкин. Масалан, балоғатга етмаганларнинг номусига тажовуз учун Жиноят Кодексининг 128-моддасига мувофиқ 2 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки 6 ойгача қамоқ ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгилаб қўйилган. Суд ушбу жиноятни содир этилиш хавфига қараб бундан оғирроқ жазолар белгиланиши кўрсатилган.

Бундан ташқари балоғатга етмаганларнинг номусига тажовуз учун жазо чоралари тайинланаётган вақтда жабрланувчининг содир этилаётган ҳаракатлардаги розилиги факти инобатга олинмайди.

Шуни айтиш керакки, XIX асргача фоҳишанинг номусига тажовуз бўлиши мумкин эмас, чунки унинг "жинсий иффати" йўқ, деган фикр мавжуд эди. Немис файласуфи ва қонуншуноси А.Фейербах шундай деб ёзган: «Номусга тегиш тажовуз предмети сифатида аёлни бадном қилишни тақозо этади, фоҳишага эса нисбатан номусга тажовуз факти содир этилиши мумкин эмас».

Мамлакатимиз қонунчилиги аёлларнинг фаолият турлари, ахлоқий, ижтимоий ҳолатларидан қатъи назар, уларнинг барча ҳуқуқларини муҳофаза қилади.

Яқин йилларгача бизнинг кўп ҳуқуқшуносларимиз ўз турмуш ўртоғи билан мажбурий тартибда жинсий яқинлик қилган эркакка нисбатан жиноий жавобгарликни қўллашни мақсадга мувофиқ эмас, деб ҳисоблар эди. Бунда никоҳнинг мақсадларидан бири оила қурувчиларнинг жинсий туйғусини қондиришдан иборат, шунинг учун турмушга чиқаётган аёл эри олдида жинсий эркинлик ҳуқуқидан маҳрум бўлади, деган ақидага амал қилинар эди. Ҳозирги вақтда жиноятларнинг мавжуд таркиби аёлларнинг айбдорлар билан ўзаро муносабатига (эри, бирга яшаётганлиги) боғлиқ эмас. Негаки, аёллар ҳаётнинг барча соҳаларида эркаклар билан тенг ҳуқуққа эга, деган устувор қоида нуқтаи назаридан келиб чиқиб масалага ёндашилади.

Шунинг учун ҳеч ким, ҳатто унинг эри ҳам аёлнинг жинсий эркинлигига тажовуз қилиши мумкин эмас. Бироқ АҚШдек юксак даражада ривожланган мамлакатда ҳам аёлнинг ҳуқуқи унинг эри томонидан зўравонлик йўли билан номусига тажовуздан муҳофаза қилинмаган. Масалан, АҚШнинг намунали жиноят кодексида шундай дейилади: "Айбдорнинг ўз хотини ва у билан мунтазам жинсий алоқа қилувчи бошқа аёл номусга тажовуз қилишнинг предмети бўлиши мумкин эмас, агар бундай аёл билан қўшилиш зўрлаш йўли билан амалга оширилган бўлса-да, жавобгарлик фақат кўп марта содир этилишига тегишли бўлади".

Карл V нинг жиноий-суд қонунлар мажмуаси саналган "Каролина" сўнгги феодализм қонун ёдгорлиги бўлиб, уч юз йилдан кўпроқ вақт давомида Германиянинг ягона умумсалтанат қонуни вазифасини бажарган. Номусга тажовуз учун жазо унда қуйидагича кўриб чиқилган: "Агар кимда ким зўрлаш йўли билан аёлнинг хоҳишига зид ўлароқ ёвузларча эрли аёлни, тул хотинни бадном қилса ёки қизни иффатидан маҳрум қилса, бундай ёвуз киши ҳаётдан маҳрум этилишга лойиқ. Жабрланувчининг шикояти ва жиноятнинг исботига кўра, у босқинчи каби қилич билан ўлимга маҳкум қилиниши лозим. Агар кимда-ким ёвузларча ва зўрлаш йўли билан эрли аёл ёки қизга нисбатан юқоридаги жиноятни содир этиш мақсадида суиқасд қилсаю, аммо у қаршилик кўрсатиш ёки бошқа йўл билан бундай суиқасддан қутулиб қолса, унда жабрланувчининг шикояти ва жиноятнинг исботига кўра бундай ёвуз киши қилинган жинояти ҳолатига мувофиқ жазога гирифтор қилиниши лозим" (19-модда). XVII асрдан бошлаб Германияда аёлнинг номусига тажовуз қилган киши агар жабрланувчи унга турмушга чиқишга розилик билдирса, жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Инглиз ҳуқуқи, 1861 йилда қабул қилинган шахсга қарши жиноятлар тўғрисидаги Актга мувофиқ, номусга тажовуз энг оғир жиноят деб ҳисобланган ва бу жиноят учун шахс умр бўйи машаққатли меҳнат билан жазолаган. Шундай жиноятни содир этиш учун суиқасд ёки уни содир этиш ниятида қилинган ҳаракат учун шахс 10 йил машаққатли меҳнатга маҳкум этилган. Бундай жиноят жинсий дахлсизликка қарши йўналтирилган деб ҳисобланган. Шунинг учун жабрланувчининг розилиги таъқибнинг батамом тўхталиши учун асос бўлиб хизмат қилган. Бундай жиноятлар жуда ёш болаларга қарши қаратилган бўлса, инглиз ҳуқуқи жабрланган бола розилиги бўлишига қарамасдан жиноят қилган шахсни ҳимоя қилишни рад этган. Бу ўринда шуни айтиш керакки, 16 ёшга етмаган йигит ва қизнинг ишқий муносабатлари учун йигитнинг ҳаракати жиноят деб ҳисобланган ва 2 йиллик қамоқ ҳамда оғир меҳнат билан жазоланган. Агар 13 ёшга етмаган қиз бу каби ҳолатни содир этса, бу ҳолат жиноят сифатида баҳоланиб, умр бўйи машаққатли меҳнатга маҳкум этилган.

Кўриниб турибдики, жаҳоннинг турфа мамлакатларининг турли даврлардаги аёллар ҳуқуқи борасидаги қонунлардан фарқли ўлароқ, мамлакатимизнинг ҳозирги замон қонунчилиги аёлларнинг эркинлиги ва жинсий дахлсизлигини муҳофаза қилишга, жинсий муносабатда эркин бўлишга, бу борада ҳар қандай зўравонликка йўл қўймасликка йўналтирилган. Бош қомусимиз бўлган Конституциямизга мувофиқ ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва эркинлигини судда ҳимоя қилиш ҳуқуқига, шунингдек, шахсий эркинлик ва инсон шаъни дахлсизлиги ҳуқуқига эгадир.

Мамлакатимиз жиноят қонунчилиги бу конституциявий меъёрлар ижросини таъминлайди. Масалан, Жиноят Кодексининг 2-моддасига мувофиқ, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлиги, қонуний манфаатларини жиноий тажовузлардан ҳимоя қилиш жиноят ҳуқуқининг энг асосий вазифаларидан бирини ташкил этади.

Шахс эркинлигининг энг муҳим шартларидан бири аёлларнинг жинсий эркинлигидир. Жинсий эркинликка жиноий тажовуз энг оғир жиноят сифатида қараб чиқилади ва шунга мувофиқ, уни содир этган шахсга нисбатан қаттиқ жазолар белгиланган.

Жиноят Кодексида кўзда тутилган шаҳвоний (жинсий) жиноятлар ичида энг хавфлиси ва энг кўп тарқалгани номусга бўлган тажовуздир. Статистик маълумотларга кўра, шаҳвоний (жинсий) жиноятлар содир этиб қамалган шахслар орасида номусга тажовуз қилганлар сони қарийб 80 фоизни ташкил этади. Жиноят Кодексининг 118 ҳамда 119-моддасига мувофиқ номусга тажовуз қилишни зўрлаш ёки жабрланувчига ва бошқа шахсларга нисбатан куч ишлатиш йўли билан таҳдид қилиш ёки жабрланувчининг ёрдамга муҳтож ҳолатидан фойдаланиш каби жинсий қўшилув сифатида таснифланади. Бу ахлоққа зид бўлган оғир жиноятдир. Бошқа шаҳвоний (жинсий) жиноятлардан фарқли ўлароқ, номусга тажовузнинг қўпол шакли содир этилишида аёлнинг хоҳиши назар-писанд қилинмайди, саломатлигига тузатиш имконияти бўлмаган жароҳат, жисмоний зарар етказилади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда аёлларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор берилган. Табиатнинг олий неъмати бўлган аёл зоти жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун муқаддасдир.

Шундай экан, аёлнинг ор-номусини, қадр-қимматини, шаънини авайлаб-асраш ҳар биримиз учун ҳам фарз, ҳам қарз.

Рустамхон АБУЛХАЙРОВ

Mitti maslahat

Рукн учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОРЕҒДИЕВ

ҚЎШИМЧА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Меҳнат Кодексининг 134,139-моддаларига кўра, ходимларга ҳар йили олти кунлик иш ҳафтаси ҳисобида камида 15 иш кунига тенг муддат билан таътил берилади. Дам олиш ва байрам кунлари таътил муддатини белгилашда ҳисобга олинмайди. Янги Меҳнат Кодексининг ижобий жиҳатларидан бири шуки, ходимларга ишнинг биринчи йилида таътил шу корхона, муассаса, ташкилотда олти ой ишлагандан сўнг берилиши белгиланиб қўйилган.

Меҳнат Кодексининг 244-моддасига мувофиқ, 18 ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга улар 18 ёшга тўлганга қадар бўлган иш стажи учун ўттиз календарь кун ҳисобидан, 18 ёшга тўлгандан кейинги иш стажи учун эса умумий тартибда ҳисоблаб чиқилади.

Қонунчиликка кўра, ходимларга қўшимча меҳнат таътиллари ҳам берилиши мумкин. Ҳар йилги қўшимча меҳнат таътиллари қуйидагиларга берилади:

— меҳнат жараёнида соғлигига физикавий, кимёвий, биологик ва ишлаб чиқаришнинг бошқа зарарли омиллари таъсир этадиган ходимларга ноқулай меҳнат шароитида ишлаганликлари учун йиллик қўшимча таътил берилади.

Корхоналарда қўшимча таътил олиш ҳуқуқини берувчи ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати, таътилларнинг муддати, уларни бериш тартиби, шартлари, тармоқ келишувлари, жамоа шартномаси билан (агар улар тузилмайдиган бўлса, касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб иш берувчи томонидан Меҳнат ва Соғлиқни Сақлаш вазирлиги тасдиқлайдиган меҳнат шароитларини баҳолаш услубиёти асосида) белгиланади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, қўшимча меҳнат таътили одатда асосий йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилади. Меҳнат Кодексининг 134-моддасида белгиланганидек, йиллик таътил муддати 15 иш кунидан иборат миқдорда белгиланган бўлса, қўшимча таътиллар қонунчиликда белгиланган миқдорда маълум касб ва лавозимларда ишлайдиган ходимларга асосий йиллик меҳнат таътилига қўшиб берилади.

"Меҳнатга оид ҳужжатларни расмийлаштириш намуналари" ҳақидаги Услубий қўлланма талабидан келиб чиқиб, Меҳнат Кодексининг 136-моддасида кўрсатиб ўтилган ходимларга йиллик меҳнат таътили берилаётганда буйруқ қуйидаги тартибда расмийлаштирилади:

Намуна:

Назаров Бешимга шахтада шахтёр (фамилияси, исми) (касби, лавозими)

2001 йил 20 февралдан бошлаб 15 иш кунидан иборат 2000-2001 йилларда ҳақиқатдан ишлаган вақти учун навбатдаги меҳнат таътили берилсин ва зарарли меҳнат шароитларида ишлаётганлиги (ёки ушбу корхонада узоқ муддат ишлаганлиги, иш куни меъёрланмаганлиги ва ҳоказо сабабларни кўрсатиш мумкин) сабабли 10 иш кунидан иборат қўшимча таътил берилиб, йиллик меҳнат таътили 25 иш кунидан иборат қилиб белгилансин. Ишга чиқиш вақти 2001 йил 22 мартдан

Асос: Назаров Б. нинг аризаси, 2001 йил учун таътиллар жадвали, Меҳнат Кодексининг 134,136, 140-моддалари

Буйруқ билан танишдим: Имзо Сана 20.02.2001йил.

Кўриб турганингиздек, ҳар бир ишда тартиб қоида бўлганидек, қўшимча меҳнат таътили беришда ҳам ўз қонуниятлари мавжуд.

Jurnalist surishtiruvi

Халқ орасида "фалокат оёқ остида" деган нақл бор. Бу гап одатда тасодифий кўргиликка нисбатан айтилади. Мабодо юз берган воқелик бировнинг айби билан инсонга жиддий зарар етказса, у жиноят ҳисобланади. Жиноятга эса жазо муқаррар. Бу адолат ва қонун талаби. Ушбу талабга ҳар доим ҳам амал қилинадими? Мазкур саволга жавоб беришдан олдин Қашқадарё вилояти, Чироқчи тумани, "Пахтакор" ширкат хўжалигида яшовчи Нурали Қулобовнинг таҳририятга йўллаган шикоят аризаси юзасидан ўтказилган мухбир суриштируви тафсилотларини баён этишни лозим топдик.

ИНСОН ҚАДРИ

бу муқаддас тушунчани поймол этишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ

Чунки суриштирув натижаси ана шу саволнинг жавобига бевосита тааллуқли.

Энди гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Нурали Қулобов ўтган йилнинг 29 сентябр куни туман марказидаги йўл четида турган пайтида отаси С.Аҳмедовга тегишли бўлган "Дамас" русумли автомашинани ваколатномасиз бошқариб юрган Шаҳриёр Аҳмедов машина орқа қисми билан уриб юборган. Натижада Н.Қобуловнинг думғаза суяги синиб кетади. Айбдорнинг соғлиғини тиклашга кетадиган харажатларни тўлайман деган ваъдаларига ишонган, инсонийлик ва ҳамқишлоқлик нуқтаи назаридан жабрланувчи содир этилган ҳодиса ҳақида мутасадди идораларга хабар бермаган. Бироқ Ш.Аҳмедовлар ваъдасини бажариш ўрнига Н.Қулобовни ҳақоратлай бошлайди. Бунга гувоҳ бўлган қўни-қўшнилар, Ш.Аҳмедовларнинг қариндошлари ҳам уларни инсофга чақиришди. Лекин Ш.Аҳмедовлар уларга қулоқ солмади. Шундан сўнг Н.Қулобов туман шошилинч тиббий ёрдам бўлими бошлиғи вазифасини бажараётган А.Эшқувватовга учрашади. Шифокор эса "кечикиб келгансан" деган важ билан уни касалхонага даволаш учун қабул қилмайди. 15 октябр куни Н.Қулобов туман ички ишлар бўлимига бўлиб ўтган воқеа бўйича мурожаат этади. Туман ички ишлар бўлимида аризада баён этилган важларни аниқлаш терговчи Ш.Қодировга юклатилади. Терговчи жабрланувчини тиббий экспертизадан ўтказиш учун эксперт Б.Қорабоев ҳузурига жўнатади. Экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги йўлланмаси бўлса-да, А.Эшқувватов яна Н.Қулобовни тиббий текширувдан ўтказиш ва касалхонага ётқизишни рад этади. Эксперт энди жабрланувчига вилоят шошилинч тез тиббий ёрдам маркази травматалогия бўлимига йўлланма ёзиб беради. Бўлим бошлиғи Х.Эрназаров Н.Қулобовни касалхонага қабул қилади, аммо 8 кун мобайнида уни қаровсиз қолдиради. У ўша даврда беморни ҳатто ренген суратига ҳам туширмаган. Ажабланарли жойи шундаки, Х.Эрназаров дастлаб касалхонанинг қайд этиш дафтарига "бемор Н.Қулобов 22 октябр куни қабул қилинди" деб ёзиб қўйган. Кейинчалик эса бу сана 18 октябр деб ўзгартирилган ва "касаллик тарихи" терговчи Ш.Қодиров иштирокида "думғаза умуртқасининг синиб, нотўғри битаётгани ҳолати рентген суратида кўринмади" дея қайта ёзилган. Ҳолбуки, беморга "III-думғаза умуртқасида синиб битаётгани ҳолати шикастланишдан кейинги коксикдонея" ташхиси қўйилган. Шу ўринда савол туғилади: А.Эшқувватов ва Х.Эрназаровларнинг бундай хатти-ҳаракати инсонийлик ва қонун нуқтаи назаридан қандай баҳоланади?

Энди тергов жараёнига қайтадиган бўлсак, терговчи Ш.Қодиров "касаллик тарихи" кўчирмасини 29 октябр куни олган бўлса-да, 26 декабр кунига келибгина ишга тааллуқли қарор чиқариб, жиноят ишини тугатган. Шунингдек, у 22 ноябр куни жиноят иши қўзғатган. Аслида эса энг кечи билан 25 октябр куни терговчи иш бўйича муайян тўхтамга келиши керак эди. Бошқача айтганда, жиноят иши бир ойдан зиёд вақтга кечиктирилган. Бундан ташқари, у гувоҳларни, А.Эшқувватов ва эксперт Б.Қорабоевни сўроқ қилмаган. Тергов жараёнида адвокат иштирокини таъминланмаган. Бир сўз билан айтганда, тергов жараёнида қонун талаблари жиддий бузилган. Қизиғи шундаки, Н.Қулобов бу ҳақда Чироқчи туман прокурорига мурожаат этганда туман прокурори Б.Анваров ҳам "Сиз туман ИИБига 15 ноябр куни мурожаат этгансиз ва терговчи қонуний иш олиб борган" деб жавоб берган. Кўриниб турибдики, барча ҳаракатлар кишида айбдорнинг айбини енгиллаштишга қаратилгандек таассурот туғдиради. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, Н.Қулобовнинг қайта-қайта мурожаатидан сўнг Қашқадарё вилоят прокуратураси дастлабки тергов ҳаракатлари тўлиқ ўтказилмагани ва жабрланувчига етказилган моддий ҳамда маънавий зарар ундирилмагани, ҳодиса холисона баҳо берилиб, аниқлик киритилмагани каби тергов камчилиги мавжудлиги учун терговчи Ш.Қодировнинг жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорини бекор қилди. Жиноят иши эса қўшимча тергов ҳаракатларини ташкиллаштириш учун Чироқчи туман прокуратурасига юборилди. Ниҳоят, ҳақиқат қарор топибди-ку, деб ўйласангиз хато қиласиз. Гап шундаки, Н.Қулобов бу қарордан ҳам норози. Чунки унинг назарида, айбдорни топиш яна айбдорларнинг зиммасига юкланган. Бу эса **"Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги Қонун талабларига зиддир. Бошқача айтганда, терговчи ва прокурордан ўз хулосаларини ўзгартириш талаб этилмоқда. Бунинг амалга ошишига эса Н.Қулобовнинг кўзи етмаяпти.

— Айбланувчи қонуний жазосини олганда, терговчи ва шифокорлар ўз вазифасига виждонан ёндашганда эди, мен бунчалик сарсон-саргардон бўлмас эдим. Мен қорнимга эмас, қадримга ачинаман, — деб куйинади жабрланувчи Н.Қулобов.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, адолат ва қонун устувор бўлган жамиятда ҳеч бир жиноят жазосиз қолмаслиги, инсоннинг шаъни ва ҳуқуқлари поймол бўлмаслиги зарур. Ўйлаймизки, мутасаддилар баён этилган масалага алоҳида эътибор қаратишади ва у адолатли ечим топади.

Ғози РАҲМОН,
"Инсон ва қонун" мухбири

САВОЛ БЕРИНГ!

Уни хат ҳамда 136-72-37, 133-84-50 рақамли телефонлар орқали кутамиз.

Таҳририятга Термиз шаҳар 5-кичик даҳа, 3-уй, 12-хонадонда яшовчи фуқаро Салима Каримова савол билан мурожаат қилган. Хатда кўрсатилишича, у шахсий автомашинасини чет эллик фуқарога сотиш ниятида нотариус орқали расмийлаштириш учун нотариусга борганда, улар чет эллик фуқарога шахсий, автомашинани сотиш мумкин эмас деган важ билан расмийлаштиришни рад этишган. Нотариуснинг бу ҳаракати қонунийми?

Газетхоннинг бу саволига ҳуқуқшунос С. Ниёзова қуйидагича жавоб беради:

— Фуқаролик Кодексининг 1-моддасида "Товарлар, хизматлар ва молиявий маблағлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида эркин ҳаракатда бўлади" дейилган. Шундан келиб чиқиб кўчар мулк ҳисобланган автомашинани олди-сотди қилиш ҳаракати ҳам эркин ҳаракатлар ҳисобланади.

Бундан ташқари Фуқаролик Кодексининг 169-моддасида Ўзбекистон фуқаролари билан бир қаторда чет эл фуқароларининг ҳам муомала ва ҳуқуқ лаёқати ҳақида сўз юритилган бўлиб, жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатлари унинг шахсий қонуни билан белгиланади.

Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ҳуқуқ лаёқатидан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари билан тенг равишда фойдаланадилар. Ўзбекистон Республикаси қонунлари ёки халқаро шартномаларида белгиланган ҳоллари бундан мустасно.

Ҳуқуқ лаёқатига чет эл фуқароларининг шартномалар тузиш, олди-сотди қилиш ҳаракатлари ҳам киради.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, нотариус сизга 1996 йил 26 декабрдаги "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасига мувофиқ, нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этганлигини асослантириб бериши керак.

Бундан ташқари нотариус чет эл фуқароси билан бўлаётган ҳаракатларда, агар жоиз деб топилса, "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 17-бобига мувофиқ чет эл ҳуқуқи нормаларининг қўлланилиши борасида халқаро шартномаларнинг амал қилиш тартибига мурожаат қилиши лозим.



Аждодлар заковати

Jahon tajribasi

РИМ ДИГЕСТАЛАРИ

Қадим замонлардаёқ инсонлар турли-туман ижтимоий муносабат асосида фаолият юритишган. Ана шу ҳаётий заруратлар муайян қонун-қоидалар билан тартибга солинган. Мазкур меъёрлар аста-секин ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтирган. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўша кезларда ҳуқуқий муносабатларнинг аксарият қисми мулкка эгалик қилишга тегишли бўлган. Шу тариқа мазкур мулкий муносабатларни тартибга солувчи энг асосий манбалардан бири бўлган фуқаролик ҳуқуқи шаклланаборган. Бу соҳа дастлаб қадимги римда тараққий топган. Шу боис ҳозирги пайтда кўпчилик мамлакатларнинг фуқаролик қонунчилиги Рим фуқаролик ҳуқуқи асосига қурилган. Рим фуқаролик ҳуқуқининг муҳим манбаларидан бири Рим Дигесталари ёки пандектлар ҳисобланади. Қонунларни расмий шарҳлаш ҳуқуқига эга бўлган 39 нафар таниқли Рим ҳуқуқшуносларининг 2000 дан ортиқ маъруза ва рисолаларидан ташкил топган дигесталар 50 та китобдан иборат. Уларга 432 та илова жамланган бўлиб, турли ҳажмдаги лавҳаларга бўлинган. Ҳар бир лавҳада муайян маъруза ёки рисола акс эттирилган ва унда ҳуқуқшуноснинг исми-шарифи, сарлавҳаси қайд этилган. Шунинг учун ҳам Дигесталар қуйидагича шарҳланади: Дигеста, 8-китоб, 3-илова, 4-лавҳа. Дигесталардаги лавҳаларнинг аксарият қисми асосан Ульпиан (2462 та битик), Павел (2083 та битик), Папиниан (592 та битик), Помпоний (585 та битик), Гай (535 та битик), Юлиан (457 та битик), Модестин (345 та битик) каби таниқли Рим ҳуқуқшуносларининг битикларидан ташкил топган. Дигесталар турли тоифадаги субъектлар ўртасидаги фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган меъёрлардан ташкил топган. Хусусан, дигесталарда шундай қоида белгиланганки, унга мувофиқ бузилган ҳуқуқларни тиклашда куч ишлатилишига йўл қўйилмаслиги лозим. Жумладан, кредитор ўзининг эҳтиёжларини қаноатлантириш учун қарздорнинг мулкини олиб қўйса, у дарҳол бу мулкни қайтариб бериши лозимлиги кўрсатилган. Бунда кредитор ўзининг талаб қилиш ҳуқуқини йўқотган. Шунингдек, ўзининг ашёсига нисбатан эгалик ҳуқуқини йўқотган мулкдор ўзбошимчалик билан уни ҳақиқий эгасидан торитиб олган бўлса, уни эгасига қайтариб беришга мажбур бўлган.

Ушбу меъёрлар судсиз ҳал этилишига тўсиқ вазифасини ўтаган. Ҳуқуқшуносликда инсоннинг белгиланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларга эга бўлиши ҳуқуқ лаёқати деб аталади. Одатда, ҳуқуқ лаёқати инсоннинг ажралмас лаёқати сифатида у туғилган заҳоти вужудга келади. Бироқ Рим ҳуқуқшуносларининг фикрича, айрим ҳолларда ҳуқуқ лаёқати инсоннинг туғилишига қадар ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, ҳали туғилмаган фарзанднинг отаси вафот этиб қолса, унинг меросини бўлишда айнан туғилмаган фарзанднинг улуши ҳам инобатга олинган. Ушбу қоида ҳанузгача кўплаб ҳуқуқ тизимларида сақланиб қолган.

Рим ҳуқуқшунослари яна бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратишган: баъзи ҳолларда мол-мулк алоҳида фуқаролар – жисмоний шахсларга эмас, балки бирлашмаларга ҳам тегишли бўлиши мумкин. Жумладан, ҳуқуқшунос Марциан шундай деб ёзган: "Алоҳида шахсларга эмас, балки жамоага тегишли бўлган мол-мулкка, масалан жамоаларда жойлашган театрлар, стадионлар ва шунга ўхшаш жойлар киради". Бошқа бир ҳуқуқшунос Альфен эса қуйидаги фикрни билдирган: агар легионда маълум вақт мобайнида ҳарбийлар таркиби мутлақо янгиланса, бундай ҳолда легион ўзгармай қолаверади. Бу фикр тўлиқ қайта таъмирдан чиқарилган кемага ҳам тааллуқлидир".

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, юридик шахс тушунчаси ва унинг асосий белгиларининг аниқланиши негизлари айнан Рим ҳуқуқига бориб тақалади. Юридик шахс ғоясининг узоқ вақт мобайнидаги ривожланиши натижасида, классик ҳуқуқ томонидан ушбу ҳуқуқ субъектининг қуйидаги белгилари тан олинган:

а) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида корпорациялар жисмоний шахслар мақомига тенглаштирилган. Рим ҳуқуқшуноси Гайнинг таъкидлашича, барча жамоалар хусусий шахс сифатида кўриб чиқилади;

б) бирлашма таркибидан алоҳида шахсларнинг чиқиб кетиши унинг юридик ҳолатига ҳеч қандай даражада таъсир қилмайди;

в) корпорация ўзининг номидан жисмоний шахслар билан ҳам, юридик шахслар билан ҳам ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига кириша олади.

Рим ҳуқуқи мулк ҳуқуқи асосида ашёга эгалик қилишни алоҳида таснифлаган. Бунга мувофиқ ҳуқуққа асосланган ҳуқуқнинг эгалик эмас, балки мулк ҳуқуқи экани белгиланган. Бошқача айтганда, ашёга ҳақиқий эгалик қилиш нафақат мулкчилик ҳуқуқига асосланиши, балки бошқа ҳолатларга (масалан, ашёни қарзга олиб туриш шартномаси асосида, ҳам асосланиши мумкин бўлган.

Умуман олганда, Рим ҳуқуқшунослари қарз шартномасини мулкдор томонидан фойда олиш мақсадида ашёнинг муайян вақт давомида бошқа шахсга бериб турилиши сифатида изоҳлашган. Шундан келиб чиққан ҳолда гаров ҳуқуқи ҳам белгилаб қўйилган.

Рим Дигесталарига мувофиқ гаров ҳуқуқи кредиторнинг қарздор томонидан унинг олдидаги мажбуриятларни бажармаган тақдирда қарзини ундириб олишни олдиндан белгилаб қўйилган мулкка қаратиши натижасида юзага келган. Гаров ҳуқуқининг мазкур тамойили ҳозирги кунгача сақланиб қолган ва амалиётда қўлланиб келинмоқда.

Мажбурият ҳуқуқи Рим фуқаролик ҳуқуқининг асосий бўлими ҳисобланади. Ушбу бўлим ишлаб чиқариш ва фуқаролик муносабатлари соҳасидаги мулкий муносабатларни тартибга солган. Рим ҳуқуқи манбаларида мажбурият тушунчаси қисқача қуйидагича изоҳланган: мажбурият мамлакат қонунларида белгиланган муайян хатти-ҳаракатни бажаришга мажбур қилади. Бу эса ҳар қандай фаолият қонун асосига қурилиши лозим, деган фикрни билдиради.

Баён этилганлардан кўриниб турибдики, Рим Дигесталари инсоният ҳуқуқий тафаккурининг юксак намуналари сирасига киради. Бу эса уларнинг аниқлиги ва мукаммаллигини таъминлаган. Шу боис улар ҳозиргача ҳуқуқшуносликда қўлланилмоқда.

АКМАЛ БУРҲОНОВ,
ҳуқуқшунос

Qing`irlik qiyig`i

“ДИПЛОМИНГИЗНИНГ ДИПЛОМ НАРХИ ҚАНЧА?”

Деновлик Зилол Рўзибоева Тошкент шаҳридаги бозорлардан бирида ўзини Ноила деб атаган аёл билан тасодифан танишиб қолди. Ҳол-аҳвол сўрашишдан бошланган суҳбат ўзаро ҳамкорликда пул топишга келиб тақалди. Шунда Ноила Зилолга сохта дипломфурушликни таклиф қилди ва исталган олий ўқув юртининг сохта дипломларини ўн беш минг сўм эвазига сотишини айтди. Осонгина мўмай даромад орттиришни ўйлаган Зилол Рўзибоевага 120 минг сўмга 8 дона сохта диплом сотиб олиб, “ҳайт-ҳуйт” дея Сурхондарёга йўл олди. У уйига қайтгач, зўр бериб сохта дипломларга харидор излай бошлади. Унинг биринчи “ўлжа”си Узун туманидаги К.Алиев номидаги ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Жумагул Мусурмонова бўлди. Жумагул синглисининг ҳужжатларини Зилол Рўзибоева ишлайдиган Денов касб-ҳунар коллежига топшириш учун келганида “тайёр” диплом дарагини эшитиб қолди. Зилол Рўзиева Жумагулнинг 1987 йилда собиқ Термиз давлат педагогика институтининг педагогика ва психология бўлимига ўқишга киргани, бироқ шартнома тўловини тўламагани учун талабалар сафидан четлаштирилгани ҳақидаги ҳикоясини диққат билан тинглади ва унга “ёрдам” қўлини чўзди. У Жумагулнинг қўлига 25 минг сўм эвазига тайёр сохта дипломни тутқазиб юборди.

Шу тарзда Жумагул Мусурмонова 1997 йил Ойбек номидаги Термиз Давлат педагогика институтига ўқишга кириб, 2000 йилда мазкур ўқув юртининг бошланғич таълим методикаси мутахассислигини тамомлаб, давлат имтиҳон комиссиясининг 2000 йил 21 июн кунидаги қарорига биноан бошланғич синф ўқитувчиси ихтисосига эга бўлди. Жумагул қўлидаги дипломнинг сохталигини билса-да, Узун туманидаги 61-умумий ўрта таълим мактабида бошланғич синф ўқитувчиси сифатида ўз ҳамюртларининг фарзандларига «таълим» бера бошлади.

Зилол Рўзибоева қандай йўллар билан бўлса-да, сохта дипломларни тезроқ сотиб, мўмай даромад олиш пайида юрган эди. Шундай кунларнинг бирида бехосдан унинг уйи дарвозаси тақиллаб қолди. Эшик очилиб, салом-алик қилингандан сўнг келган одам диплом олиш ниятидалигини билдирди.

— Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университетининг дипломи керак эди. Топиладими? — деб сўради харидор йигит ўсмоқчалаб.

– Сиз учун топамиз, укажон! Пулини чўзсангиз, ҳозир олиб чиқаман, – дея мамнун ҳолда жавоб берди уй эгаси.

– Нархи қанча бўлади? — деб сўради харидор.

— 45 минг берсангиз, бас...

— Майли, розиман...

Зилол Рўзибоева уйга югуриб кириб, қалбаки дипломни олиб чиқди-ю, бироқ унинг пулини ололмади. Чунки “харидор” ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходими эди...

Суриштирув давомида Зилол Рўзибоеванинг уйидан мижозларга сотиш учун тайёрлаб қўйган, ҳали «эгаси»нинг исмишарифи ёзилмаган Тошкент автомобил йўллари институти, Тошкент давлат юридик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Термиз давлат университетларининг қалбакилаштирилган гербли муҳри босилган сохта дипломлар ашёвий далил сифатида олинди. Шунингдек, унинг уйида Абраев Эргаш Бобоназаров номига ёзилган «Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти Давлат имтиҳон комиссиясининг 1988 йил 18 июл кунидаги қарори билан Э.Абраевга “Ўзбек тили ва адабиёти” ўқитувчиси мутахассислиги берилди», деган қалбаки муҳр билан тасдиқланган ПВ-512230 рақамли сохта дипломнинг қарори, Муротова Гулшан Тошпўлатовна номига ёзилган «1996 йилда Тошкент тиббиёт билим юртига ўқишга кириб, 1999 йилда мазкур билим юртини “доришунос” мутахассислиги бўйича битирди», деган қалбаки диплом, шунингдек, Р.Узоқова номидаги Денов педагогика билим юртининг Жўраева Насиба Абдувоҳидовна ва Рўзамов Тошмир Зиёдуллаевич номига ёзилган қалбакилаштирилган дипломлари мўмай даромад орттириш ниятида сақлаб келингани маълум бўлди. Булар З. Рўзибоевани суднинг қора курсисига етаклади.

Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради, деганларидек, шу тумандаги педагогика билим юртининг информатика фани ўқитувчиси Тоҳир Эрназаров ҳам сохта дипломфурушликни касб қилди. У Амир Темур номидаги ширкат хўжалигида яшовчи София Худойназарова-га 283-сонли Р.Узоқова номидаги педагогика билим юртини тугатганлиги ҳақидаги 199989-рақамли сохта дипломни йигирма минг сўмга сотиб юборди. София Худойназарова дипломни қўлга олиб, Деновдаги 71-сонли умумий ўрта таълим мактабига ишга кириб, 1999 йилнинг октябр ойидан 2002 йилнинг сентябр ойигача бошланғич синф ўқитувчиси сифатида “фаолият” кўрсатди. Қалбаки диплом билан ўқувчиларга “дарс” бергани учун давлат хазинасидан бериладиган иш ҳақига росмана имзо чекиб, текин пулларни қуртдек санаб олиб юрди. Аммо қалбаки дипломнинг сиру синоати фош этилгач, у учун сичқоннинг ини минг танга бўлди. Ноқонуний йўллар билан олинган иш ҳақлари қайта давлат хазинасига топширилиб, суд олдида жавоб беришига тўғри келди.

Хулоса ўрнида айрим мулоҳазаларни айтиб ўтишни лозим топдик. Эътибор берган бўлсангиз, мақола «қаҳрамон»лари ўқитувчилик касбини танлашган. Лекин ёш авлод тарбиясидек масъулиятли вазифани қиғир йўл билан адо этишга уларни нима мажбур қилди?! Зеро, маърифатни пулга сотиб олишнинг иложи йўқ. Шунингдек, у билан сохтакорлик ҳам қилиб бўлмайди.

Бундан ташқари, қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Баён этилган қиғирлик ана шу жиҳатлари билан бошқаларга сабоқ бўлса, ажаб эмас.

Эргаш МЕНГЛИЕВ,
ҳуқуқшунос,
Собир ЁДИКОВ,
“Инсон ва қонун” мухбири

Falsafa va qonun



TOMAS GOBBS

УМРБОҚИЙ ҒОЯЛАР СОҲИБИ

XVII аср улуғ инглиз донишмандларидан бири Томас Гоббс «Левиафан ёхуд материя, черков ва фуқаролик давлат ҳокимиятининг яшаш усули» сиёсий-фалсафий китоби билан нафақат ўз даврида, балки бизнинг асримизда ҳам беназир алломалар қаторидан жой олиб келмоқда.

Донишманднинг сиёсий-фалсафий қарашларини тушуниш ва уларнинг инсоният тараққиётига кўшган ҳиссасига тўғри баҳо бериш учун аввало Гоббс қайси даврда яшаб, қандай фикрлаганини, у давр қайси фалсафий принциплар билан унинг дунёқарашига таъсир кўрсатолганини ойдинлаштириб олиш зарур.

Томас Гоббс 1588 йил 5 апрелида Лондон яқинида қишлоқда руҳоний оиласида дунёга келди. Бошланғич таълимни хусусий мактабда олиш билан бирга қадим юнон ва лотин тилларини ўрганишга киришди. Ўн беш ёшида Оксфорд дорилфунунига қарашли коллежлардан бирига талабаликка қабул қилинди, сўнг эса дорилфунунда таълимни давом эттирди. Санъат бакалаври илмий даражасига эга бўлган Гоббс дорилфунунда мантиқ илмидан дарс бериш ҳуқуқини қўлга киритди. Аммо ёш файласуф бу имкониятдан фойдаланмади. Чунки ўша давр илми у ўйлаганчалик илмий-фалсафий қарашлари талабига жавоб бермасди. Дорилфунунни тугатгач Гоббс оқсуяк оилалардан бирига тарбиячи сифатида ишга киради. Унда ўша давр ҳукмдор синфи вакиллари билан танишиш, улар билан суҳбатда бўлиш имконияти туғилади. Гоббс илмий-фалсафий дунёқарашининг шаклланишида унинг тўрт марта Оврўпа қитъаси бўйлаб қилган саёҳати муҳим ўрин тутади. Бу саёҳатлар натижасида инглиз мутафаккири қитъа илм-фан, фалсафа намояндаларининг қўлга киритган ютуқлари билан танишади. Илғор фикрловчи зиёлилар, фалсафа илмида улкан ютуқларни қўлга киритган ва кирита бошлаган талай фозилолар билан танишиб, Оврўпа илмий-фалсафий муаммоларини биргаликда муҳокама қилишади. Жумладан, у Рене Декарт, Спиноза, Локк, Лейбниц фалсафий олами билан ошно бўлади. Улар билан ёзишмалар орқали баҳсга киришади. Гоббснинг файласуф сифатида шаклланишда ўша даврнинг улуғ донишманди саналган Френсис Бэкон билан танишуви муҳим аҳамият касб этади.

Гоббснинг ижтимоий-фалсафий дунёқараши Англия ва умуман Оврўпа учун мураккаб ва айни пайтда тарихий воқеаларга бой бир даврда шаклланди. XVI асрнинг иккинчи ярмида Англия мустамлакачилик сиёсатини қўллаб, бошқа унга ўхшаш улуғ саналган мамлакатлар билан кураш олиб борди. Гоббснинг мактаб йиллари Елизавета I салтанат тепасига чиққан даврига тўғри келганди. Қиролича мамлакати Испания билан жангга кирди. Англия ички ҳаёти ҳам муҳим воқеаларга бой бўлди. Бу пайтда мамлакат буржуа инқилоби остонасида турган эди. Бунинг натижаси ўлароқ, Англия республика деб эълон қилинди. Кейин эса Стюартлар монархияси тикланди, парламентнинг аҳамияти пасайтирилди. Гоббс эса пуритан мазҳабига содиқ тарзда тарбия топган, шу сабабдан ҳам унинг қарашлари ана шу оқим таъсирида шаклланади.

1628 йилда Гоббс антик давр улуғ тарихнависи Фукидиднинг Спарта ва Афина ўртасида бўлиб ўтган Пелопон уруши жангидан ҳикоя қилувчи ёзувини қадим юнон тилидан таржима қилади.

1629 йилда Фарангистон сафари чоғида у Эвклиднинг “Борлиқ” асари билан танишади. Бу асар XVII аср фалсафасига ҳам жуда кучли таъсир ўтказган эди. Бир неча йилдан сўнг ўша даврда ҳам жуда катта аҳамият касб этолган Галилейнинг “Дунёнинг икки бош системаси ҳақида” деган ёзувини мутолаа қилиш бахтига муяссар бўлади. Бу асар унинг тафаккурида бурилиш ясайди.

1640 йилда Англияда инқилоб бошланиб, яна парламент чақирилади. Гоббс бу йиллари кучли давлат ҳокимиятчилигининг тарафдори сифатида ҳуқуқ масалаларига оид икки асарини ёзади. Улардан бири “Инсон табиати”, иккинчиси “Сиёсий аъзо ҳақида” битиклари эди. Гоббс бу асарларида жамоат ҳаёти назариётчиси сифатида майдонга чиқади.

Рене Декарт ва унинг “Метафизика ҳақидаги мулоҳазалар” асари Гоббсда муҳим фалсафий қарашлар улғайишига сабаб бўлди. Лекин шунда ҳам қизиқишининг асосини ижтимоий масалалар ташкил этарди. Буни унинг “Фуқаро ҳақида” деган асари мисолида ҳам кўриш мумкин.

1651 йилда Лондонда Гоббснинг энг йирик асари “Левиафан ёхуд материя, черков ва фуқаролик давлат ҳокимиятининг яшаш усули” сиёсий-фалсафий асари нашрдан чиқади. Мазкур асар юқорида тилга олинган “Фуқаро ҳақида” ёзувининг тўлдирилган шакли эди. Бу асари эълон қилингач, Гоббс Лондонга кўчиб ўтади. Асар унга катта шуҳрат келтиради. Бу шаҳарда 1655 йилда у “Инсон аъзоси ҳақида” деган битигини ёзиб тугатади. 1658 йилда эса “Инсон ҳақида”, “Фуқаро ҳақида” ёзувлари “Фалсафа асослари” номи остида чоп эттирилади.

“Левиафан”нинг **“Инсон ҳақида”** қисмида у “Сезги борасида”, “Тасаввур ҳақида”, “Тасаввурнинг давомийлиги ёхуд алоқаси тўғрисида”, “Нутқ ҳақида”, “Илмий билим ёки ўй-мулоҳазалар” ва яна кўплаб бошқа инсон оламига хос бўлган масалалар ҳақида сўз юритса, **“Давлат ҳақида”** қисмида “Давлатнинг келиб чиқиш сабаблари ва унинг пайдо бўлиши ҳақида”, “Суверен давлатни ташкил қилиш борасида”, “Давлатнинг турли кўринишлари, олий ҳокимиятнинг бардавомийлиги тўғрисида”, “Мустабид тузумлар борасида”, “Фуқаролар эркинликлари”, “Маслаҳатлар кенгаши ҳақида” каби қатор давлатчилик билан боғлиқ бўлган масалаларни кўндаланг қўйиб, уларга ўзига хос тарзда жавоб беради.

Монархияни тиклаш даври Гоббс учун оғир йиллар бўлди. Уни динсизликда айблашди. “Фуқаро ҳақида” ва “Левиафан” асарлари Папа мулозимлари томонидан таъқиқланган адабиётлар қаторига киритилди. Гоббс ўзига қўйилган айбловларга қарши тиш-тирноғи билан курашишга тўғри келди. 1668 йилда Амстердамда “Левиафан”нинг янги нашри дунё юзини кўрди. Унда муаллиф илғор давлатчиликка таллуқли бўлган бобларига ва қонунчиликка оид масалаларга бир мунча ойдинликлар киритди. Шу билан бирга Гобсс “давлат биносининг қурилиши”ни бузувчи исёнчиликка қарши фикрлари билан асарни тўлдирди.

Гоббс сиёсий таълимоти ва фалсафаси бир-бирига нечоғли таъсир этганини “Левиафан” мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Гоббс бу асарида **билиш**нинг асосий чашмаси сифатида **ҳиссий малакани** биринчи ўринга қўяди.

Давлат Гоббс томонидан Аллоҳ яратган табиий аъзодан фарқли ўлароқ инсон яратган сунъий аъзодек ўрганилди. У ўз ҳаракати орқали механика қонунқоидасига бўйсунганидек, уни худди механика жараёни ўрганилгандек ўрганилиши керак деган ғояни илгари сурди. Гоббс давлатнинг келиб чиқиши муаммоларини ўрганган усул рационалистик, яъни ақлий ҳисобланади. Инсон моҳиятини ташкил этувчи қатламларни Гоббс “худбинлик ва ўз-ўзини сақлаб қолишга интилиш” фалсафасида деб билади. **“Давлат тўғрисида у-буни ёзганларнинг кўпчилиги инсонни туғилишидан жамият ҳаётига мослашиб яратилган онгли ҳайвон сифатида талқин этадилар. Шунга асосан давлат ҳақида фикр юритадиган бўлинса, тинчликни сақлаш ва бутун инсоният оламини бошқариш учун инсонларга маълум бўлган шартнома ва қонунлардан бўлак нарса керак эмас”,** деб ёзади донишманд. Ўз даврининг буюк воқеалари гувоҳи бўлган Гоббс ўз ҳамюртларига тинчлик ва хавфсизлик тилагани боис, ўзининг бутун иқтидорини жамият муаммоларини ҳал этишга қаратди. Инсон масаласи ҳамиша Гоббс ижодининг марказида турди.

Гоббсчасига **билиш** “ғоялар” орқали амалга оширилади. Бу ғоялар асосини эса дунёни ҳиссий идрок этиш ташкил этади. Барча ғоялар ақлнинг фаол фаолияти орқали солиштириш йўли билан мияда қайта ишланади ва тегишли хулосалар тарзида баён этилиб, кўпчилик ҳукмига ҳавола қилинади. Бундай концепция Гоббснинг **билим** борасидаги таълимоти асосини ташкил этади.

Бэкон, Локк каби Гоббс ҳам **билим**нинг эмпирик талқинини ёқлаб чиқди. Шу сабабдан сенсуалистик қарашларга қўшилиб, **инсон тафаккуридаги барча тушунчалар аввал бутунлигича ёхуд қисман сезги органларига таъсир этиш орқалигина ўзини намоён этади**, деган ғояни илгари сурди. Яна унинг фикрича **билим** малака орқалигина ҳосил бўлади. Шунинг учун у **“барча илм-ҳис этиш, тасаввурдангина иборат”**, дейишини кўймайди.

Гоббс томонидан давлат ҳокимияти концепциясини ишлаб чиқилганлиги ҳам ўша давр учун муҳим тарихий жараён эканини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу концепцияда нафақат ўша давр давлатчилиги, балки кейинги асрлар ҳокимият қурилиши учун ҳам муҳим бўлган назарий-амалий дастурлар ишлаб чиқилганлигининг гувоҳи бўламиз. У кўпинча ўз битикларида **“Давлат жамоат маданий-ахлоқий турмушининг, бошқача айтганда, тирик ҳаётининг асосини ташкил этади”**, деган мулоҳазаларни билдирарди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Гоббс таълимоти, ғояларининг кейинги аср учун ҳам тарихий аҳамияти ғоятда юксакдир. Зеро, бу ғоялар ўзининг долзарблиги, чуқур маънодорлиги билан бугунги кун авлодларини ҳам қизиқтириб келмоқда.

Гоббс таълимоти умрбоқийлиги ҳам шундан бўлса керак.

Аббос САИД

Charxi kajraftor

ОМАДИ ЧОПМАДИ

Бостонда бир жиноятчи кўз остига олиб қўйган банкни ўмариш учун узоқ вақт қулай фурсат кутиб юрди. Ниҳоят, у банкни ўмаришга қарор қилди. У банкка кириб, тўппонча билан банк ходимларига дағдаға қила бошлади ва ниятини баён қилди. Лекин бахтга қарши айнан шу пайтда банк биносида ойлик маошларининг чекини қўйгани келган Федерал Тергов Бюросининг бир гуруҳи бор эди. Табиийки, улар бу ҳолга томошабин бўлиб турмади. Натижада жиноятчи шу заҳоти таслим бўлди.

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...

Мериленднинг Фредерик шаҳрида чапдаст ўғрилардан бирини қўлга олиш операциясида иштирок этаётган полиция ходими пулини ўғирлатиб қўйди. Полиция маҳкамасида қўлга олинган ўғрини тинтув қилиш жараёнида маълум бўлдики, у полициянинг пулини ҳам ўмарган экан.Шундай қилаб, жиноятқидирув вакилларида тайёр жиноят иши пайдо бўлди.

ЮТУҚ – ҲАЁТИ...

Филадельфиянинг Гаррисбург шаҳрида бир йигит лотереяга ўз ҳаётини... ютиб олди. Гап шундаки, йигит 40 та лотерея чиптаси сотиб олиб, магазиндан чиқиб кетаётганда, икки нафар жиноятчи ўртасидаги отишманинг гувоҳига айланди. Ушбу отишма туфайли бир дайди ўқ йигитнинг кўкрагига келиб тегди. Бахтни қарангки, ўқ айнан ўша сотиб олган 40 та лотерея чиптасига бориб тегди ва у йигитга ҳеч қандай зарар етказмади.

ПАРИШОНХОТИР ЎҒРИ

Тунисда бир жиноятчи бир йил олдин ёпилиб кетган банк биносига бостириб кирди. У ерда умуман бошқа компания жойлашганидан бехабар босқинчи ёнидан тўппончани чиқариб, бинодагилардан пул талаб қилди. Бинодагилар унга адашганини айтишганида у шу даражада ҳайрон қолдики, бу ҳолга ҳамма кулиб юборди. Бироқ жиноятчи у ердан “қуруқ” чиқиб кетмади: у компания ходимларининг беш-олти юз доллар пулини тортиб олди.

АЛДАДИ

Техасда бир жиноятчига нисбатан 9600 АҚШ доллари миқдорида жарима солинди. Эртаси куни у полиция идорасига ушбу маблағнинг тўлангани ҳақида чек олиб келди. Бироқ кейин маълум бўлишича,чек қалбаки экан.

ПУЛНИ ЁҚМАНГ

Англияда инкассатор машинасини бир гуруҳ босқинчилар қўлга олиб, инкассаторларни машинани ўрмонга олиб боришга мажбур қилишди ва машина эшикларини автоген билан кеса бошлашди. Бироқ автогеннинг оловидан машинадаги икки ярим миллион Англия фунт стерлинги ёниб кетди. Ноилож қолган жиноятчилар эса ўрмонда ёниб турган машинани қолдириб жуфтакни ростлашди.

ПРОКУРОРНИ ЎМАРИШДИ

Бельгияда навбатдаги жиноят ишини кўриб чиқаётган прокурор судланувчининг эгнидаги курткани кўриб, ҳайратдан донг қотиб қолди. Чунки куртка бир неча кун аввал унинг уйидан ўғирланган буюмлар орасидаги ўзининг курткасига жуда ўхшар эди. Тергов натижасида куртканинг ҳақиқатдан ҳам прокурорга тегишли экани аниқланди. Оқибатда прокурорга мулки қайтарилди, ўғрига эса яна бир жиноят иши қўзғатилди.

АЛДАНИШ АЛАМИ

Жанубий Каролинадаги полиция маҳкамасига жаҳл билан бир киши кириб келиб, унга сифатсиз “кокаин” гиёҳвандлик моддасини сотган гиёҳфурушни қўлга олишни талаб қилди. У далил сифатида полиция маҳкамасига бир ҳалта “сифатсиз” кокаинни тақдим этди.

ПАРИШОНХОТИР БОСҚИНЧИ

Шимолий Дакотада жиноятчи банкка кириб, пул талаб қилиб ёзган бир парча қоғозни банк ходимига узатади. Банк ходими жиноятчининг талабини сўзсиз бажо этди. Бироқ жиноятчини қидириб топиш қийин кечмади — у пул талаб қилиб ёзган бир парча қоғоз ўзининг чек қоғози экан.

АСАБИ КУЧСИЗ ЖИНОЯТЧИ

Оклахомада аёл кишига нисбатан босқинчилик жинояти юзасидан судланаётган жиноятчининг суд жараёнида асаби панд берди. Гап шундаки, жабрланувчи жиноятчини судяга қўли билан кўрсатган пайтда жиноятчи “ўшанда мен сени ўлдириб юборсам бўлар экан”, деб бақириб юборди. Охир-оқибатда судланувчи 30 йилга озодликдан маҳрум этилди.

АНТИҚА УЧРАШУВ

Англияда машина ўғирлагани учун қамалган Дэвид Жонсон қамоқхонадан қочиб, шаҳаргача етиб олиш учун кўчада машина тўхтатади. Ҳайдовчи ундан нима билан шуғулланишини сўраганда, у ҳайдовчига қамоқдан қочдим, деб жавоб берди. Ҳайдовчидан қаерда ишлашини сўраганда эса “қамоқхона бошлиғиман” деган жавобни эшитди. Ушбу антиқа учрашувдан Жонсон яна ўзининг камерасига қайтиб келди.

Ушбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

Nadomat

ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЗИЛ

Бир-бирига ҳазиллашиб гап қотиш, енгил кулги ёки қаҳқаҳа билан чарчоқларни унутиш яхши хусусият. Бундай чоғда яйрайсан, дилинг равшан тортади. Ҳазил-ҳузул одамларни бир-бирига яқинлаштиради, кўнгилларни-кўнгилларга пайвандлайди. Лекин ҳазилнинг ҳам вақти ва меъёри бор. Кимга қандай ҳазил қилиш кераклигини ҳам билиш зарур. Акс ҳолда ноўрин ҳазилдан юзинг шувут бўлиб, суднинг қора курсисига ўтириб қолиш ҳам ҳеч гап эмас.

“Ҳазил, ҳазилнинг таги зил” деб бежиз айтишмаган. Ўринсиз ҳазил туфайли қўллар мушт бўлиб тугилса, низо чиқиб, иш жанжал билан тугаса, бундан ёмони йўқ.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган оддий аскар Нурали Темиров кеч соат 22 ларда ётоқхонадан ҳовлига чиқади. Бироз туриб у аскарлар ошхонасига киради. Ҳарбий хизматга ўзидан олдинроқ келган оддий аскар Анорбоев шу куни ошхонада навбатчи эди. У овқатланиш залида ювилган идиш-товоқларни санаётганди. Нурали сафдошига ҳазиллашмоқчи бўлади.

- Булар нега яхши ювилмаган, - дейди у Анорбоевга идишларни кўрсатиб, - қайтадан ювинг.

- Яхши ювилган, - дея жавоб беради Анорбоев, - ишимга аралашма.

Шу билан Темиров бир гапдан қолганда яхши бўларди. Лекин у яна ҳазил гапини давом эттиради:

- Қайтадан ювинглар.

Ҳазил ўрнига тушмайди. Уларнинг гапи бир-бирига тўғри келмайди. Ташқарига чиқишганда Темиров Анорбоевни ҳазилни тушунмагани учун сўкади. Анорбоев эса сен нега менга ҳазил қиляпсан дея, Темировнинг юзига бир шаполоқ туширади. Оддий аскар Темиров кутилмаганда Анорбоевнинг бурун соҳасига боши билан қаттиқ уради. Оқибатда...

Ҳа, оқибатда Самарқанд вилоят судга оид тиббиёт экспертиза бюроси Анорбоевнинг бурун усти, чап кўз қовоқлари соҳаларида қонталаш, чап кўз атрофи юмшоқ тўқималарининг лат ейиши, бурун суягининг синиши каби тан жароҳатлари етказилганлигини аниқлади.

Темиров ва Анорбоевлар хизмат юзасидан бир-бирига тобе эмас. Жанжал чиқишининг сабабчиси Темиров. У ҳарбий хизматчилар ўртасида ўзаро муносабатларга оид Низом қоидаларини, шунингдек, Куролли Кучлар ички хизмат Низомининг 13, 64, 160-моддалари талабларини бузган. Энг ёмони, Жиноят Кодексининг 285-моддаси 1-қисмида кўзда тутилган жиноятни содир этган.

Терговда ва судда оддий аскар Темиров ўзини жисмоний жиҳатдан кучлилигини намойиш қилиш учун жиноятни қасддан содир этган, деган тўхтамга келинди. Бундан ташқари, ҳазил ва унинг ортидан рўй берган кўнгилсизликка, айбдорнинг айбига тегишли баҳо берилди.

Хулоса шуки, ҳар қандай муносабатларнинг ўзига хос меъёрини бузган шахс шубҳасиз панд ейди. Буни ҳар бир инсон унутмаслиги зарур.

Улуғбек КАРИМОВ,
ҳуқуқшунос

ЭЪЛОН

Тошкент давлат юридик институти қуйидаги бўш (вакант) кафедра мудири, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи лавозимларга шартнома асосида танлов эълон қилади:

1. “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” кафедраси мудири - 1
2. “Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси доценти - 1
3. “Давлат ва ҳуқуқ тарихи” кафедраси доценти - 2
4. “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси доценти - 1
5. “Экология ва қишлоқ хўжалиги ҳуқуқи” кафедраси доценти - 1
6. “Жиноят процесси” кафедраси катта ўқитувчиси - 1
7. “Халқаро қиёсий ҳуқуқ” кафедраси катта ўқитувчиси - 2
8. “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси ўқитувчиси - 1
9. “Хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси - 2

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Ректор номига ариза
2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа
3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвони ҳақида аттестат нусхалари
4. Илмий ишлар рўйхати

Танлов муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 24-хона. Тел: 136-09-39

Юнусобод туман 1-сонли давлат нотариал идора нотариуси З.Г.Черниговага берилган 000008-рақамли нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия Тошкент шаҳар адлия бошқармасининг буйруғига асосан БЕКОР ҚИЛИНДИ.

«Ҳаёт ва қонун» юридик журнали ва «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят аъзоси Сирожиддин Рауповга онаси
РОҲАТ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-921. Тиражи — 10.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 136-72-37 (умумий бўлим), 133-70-65, 133-84-50